



Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqarib boshlagan

2010-yil 25-mart № 38 (2763) payshanba

Эзгулик, бағрикенглик ва нафосат байрами

Президент Ислам Каримовнинг Наврўз байрамига бағишланган тантанали маросимдаги сўзи

Ассалому алайкум, қадрли ватандошлар! Азиз дўстлар, муҳтарам меҳмонлар! Биз орзиқиб кутадиган, баҳор, яшариш ва янгиланиш рамзи — Наврўзи олам кутлуғ қадами билан ўлкамизга кириб келмоқда. Мана шу улуғ айём билан сиз азизларни, бутун халқимизни чин қалбимдан табриклаб, барчангизга ўзимнинг юксак ҳурмат-эҳтиромим ва эзгу тилакларимни изҳор этаман.

Ҳурматли юртдошлар! Наврўз барчамиз учун азал-азалдан аввало табиат уйғониши, шарқона янги йил дебочаси, маънавиятимизнинг узвий қисмига айланиб кетган энг қадимий, асл миллий байрам сифатида азиз ва мўътабардир.

Ҳақиқатан ҳам, бу дилбар фаслда офтоб чарақлаб, еру кўкни қиздириши билан биз ҳам ўзимизни худдики янгитдан тугилгандек ҳис қиламиз, қалбларимиз, юракларимиз пок ниятларга тўлиб, бутун вужудимизда янги куч-ғайрат жўш ургандек бўлади.

Айни шу мунаввар кунларда инсон табиатдан баҳра олиб, сумалак ва ҳалим, гўжа ва кўксомса каби баҳорий неъматлар тортилган дастурхонлар атрофида Наврўз қувончини ўз яқинлари, дўсту биродарлари билан баҳам кўришга интилади.

Айни шу гўзал паллада бетакрор Ватанимизнинг барча гўшаларида — Фарғона водийсидан Сурхон тоғларигача, Қорақалпоқ диёридан Самарқанд боғларигача, Тошкент воҳасининг ям-яшил қир-адирларигача — халқимиз, кексаю ёш юртдошларимиз табиат билан уйғун бўлиб, сайил-томошалар ўтказиб, Наврўзни катта хурсандчилик билан кутиб олмақда.

Саховатли заминимизда яшайдиган барча-барча инсонлар, қайси миллат, қайси элат вакили бўлишидан қатъи назар, бу ажойиб байрамни ягона оила бўлиб, шоду хуррамлик билан нишонламоқда.

Айни шу дамларда халқимизга мансуб бўлган бағрикенглик ва меҳрибонлик, кексаларнинг дуосини олиш, етим-есирларнинг бошини силлаш, муҳтож ва кўнгли ярим одамларга беминнат ёрдам бериш каби юксак фазилатлар яна ва яна бир бор ўзининг тасдиғини топмоқда.

Бу буюк ва бетакрор айёмнинг яна бир ноёб хислати шундаки, баҳор келиши, гул-чечаклар очилиши билан ҳар қайси инсон ўз оила аъзолари, қадрдонларини бағрига босиб, нафақат таниш, балки нота-ниш одамларни ҳам кутлаб, соғлиқ-омонлик, бахт ва омад тилайди, юртимиздаги тинчлик-осойишталик, аҳиллик тобора мустаҳкамланиб боришини, осмонимиз ҳаминиша мусаффо бўлишини истайди.

Неча минг йиллик тарихдан маълумки, Наврўз фаслида турли низо ва адоватлар унутилади, одамлар ўртасида меҳр-оқибат, шифақат ва мурувват, ҳамжиҳатлик каби инсоний туйғулар янада кучаяди.

Наврўзи оламнинг умуминсоний цивилизация ривожига қўшган буюк ҳиссасини инобатга олиб, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти шу йилдан бошлаб бу айёмни Халқаро Наврўз куни деб тан олгани албатта бежиз эмас ва бу барчамизга катта гурур ва ифтихор бағишлайди.

Қадрли дўстлар! Бағрикенг ва меҳмондўст халқимиз ўзига раво кўрган яхшилик ва эзгу тилакларни доимо ўзгаларга ҳам раво кўради.

Фурсатдан фойдаланиб, бугунги тантанамизда иштирок этаётган, бизга яхши ният ва хайрихоҳлик билан қарайдиган, мамлакатимиз тараққиёти учун катта кўмак бераётган хорижий давлатларнинг муҳтарам элчиларига, чет эл ваколатхоналари вакилларига, узоқ-яқиндаги дўсту ҳамкорларимизга самимий миннатдорчилик билдириб, уларни чин дилдан кутлашга руҳсат этгайсиз.

Азиз ва қадрли ватандошларим! Кўкларнинг беғубор нафаси уфуриб турган, деҳқонларимиз янги орзу-умидлар билан ерга уруғ қадаётган шу кутлуғ паллада барчангизни бағримга босиб, Наврўз байрами билан яна бир бор муборакбод этаман.

Шу гўзал майдонга файз бериб ўтирган муҳтарам фахрийларимизга, мунис опа-сингилларимизга, чеҳрасида хуш кайфият, куч-ғайрат порлаб турган ёшларимизга, менинг азиз фарзандларимга ўзимнинг чуқур ҳурматим ва самимий тилакларимни билдиришдан бахтиёрман.

Илоҳим, мана шундай хурсандчилик билан бошланаётган Янги йилимиз Ватанимизга тинчлик, бахту саодат, ободлик ва фаровонлик олиб келсин.

Деҳқонларимизнинг омадини берсин!
Ҳосилимиз мўл, хирмонларимиз баланд бўлсин!
Хонадонларимиздан файзу барака аримасин!
Наврўзи олам барчамизга муборак бўлсин!



Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида бўлиб ўтган Наврўз байрами тантаналаридан репортаж

Қиш уйқусидан кўз очган она табиат янги кунга юз тутди. Димоққа дилни орзиқтирадиган ифор — баҳор нафаси урилади. Кўклар шабадаси уйғотган сабзалар нафис гиламдек кўзни қувнатади. Бодроқдек гуллаган ўрик шохларида, қоқиғулларнинг хушбичим гунчаларида кўккам суврати намоеён. Насимлар оғушида жажжи болакайлар зумрад майсалар орасидан чучмомаларни таради. Мусаффо осмон бағрида чарх уриб учаётган қалдирғочлар кўшиғи юракларда ажиб ҳислар уйғотади.

Борлиқдаги уйғониш, яшариш ва янгиланиш юртимизга боқий байрам, меҳру оқибат, кут-барака рамзи — Наврўзи олам кириб келганидан мурда беради.

Одамлар қалбига чексиз қувонч бахш этадиган Наврўз неча минг йиллардан буён халқимиз асраб-авайлаб, эъзозлаб келаётган гўзал қадриятларимиздан... 23 март. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи байрамона безатилган.

Бу ерга ҳукумат аъзолари, депутатлар ва сенаторлар, фан, маданият, санъат, спорт намояндалари, ишлаб чиқариш илғорлари, тадбиркорлар, муҳтарам отахону онахонлар, турли соҳаларда меҳнат қилаётган юртдошларимиз, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган хорижий давлатлар элчихоналари ва халқаро ташкилотлар ваколатхоналарининг вакиллари ташриф буюрган.

Соат 11.00. Майдонга Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов кириб келади.

Байрам тантанасига ҳозир бўлганлар давлатимиз раҳбарини қарсақлар билан кутиб оладилар.

Чорлов мусиқаси янграйди. Сўз Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримовга берилади.

Давлатимиз раҳбари халқимизни Наврўз байрами билан муборакбод этади.

Муаззам майдоннинг атрофида анвойи ранглардаги байроқчалар ҳилпирайди. Саҳна теғрасида ўрнатилган турфа гуллар жонланиб, кўёшнинг заррин нурларида жилоланади. Бундай файзли манзаралар кўнгилашга ҳузур бахш этади.

Шундай фарахбахш дамларда она табиатда рўй бераётган яшариш, янгиланишларни қалбидан ўтказаяётган ҳамюртларимизнинг кўнгида шодлик, яна бир Наврўзга, гўзал ҳаётнинг бебаҳо неъматларига эсон-омон етганимиз, элу юртимиз тинчлиги ва фаровонлиги учун шукроналик туйғулари жўш ураётир.

Фусункор майдон узра борлиқ уйғониши, Янги кунни мадҳ этувчи наво таралади. Саррин куй оғушида кўз ўнгимизда баҳорнинг ажиб манзаралари, ям-яшил қир-адирлар, гулларга бурканган водийлар, чаппар уриб гуллаган боғлар намоеён бўлади.

...Саҳнага жажжи болакайлар кириб келади, майдон уларнинг шўх-шодон кулгиларига тўлади. Фарзандларимиз ижросидаги кўккамни, бахтиёр болаликни, мустақил юрт фарзандларининг беғубор ва қувноқ дамларини мадҳ этувчи жарангдор куй-қўшиқлар, жозибатор рақслар шодиёна аҳлини завқлантириб юборади...

Наврўз — баркамоллик, навқиронлик ва гўзаллик фасли. Жорий йилнинг Президентимиз томонидан Баркамол авлод йили деб эълон қилиниши навқирон авлодга бекиёс шодлик, гурур ва ифтихор бағишлади.

Халқимиз азал-азалдан фарзандлар бахту иқболини кўзлаб, эзгу орзулар билан яшайди. Айни Наврўз кунларида фарзандларига атаб, уларнинг бахтли ва фаровон келажагини ўйлаб ниҳол экиб, боғ яратади. Ҳар қандай йилнинг хосияти баҳорнинг илк лаҳзаларидан маълум бўлганидек, биз буюк келажагимизни авваламбор ҳар жиҳатдан тўқис, комил ва баркамол авлод тимсолида кўраимиз.

Президентимиз таъкидлаганидек, ниманики ўз олдимизга мақсад қилиб қўймайлик, қандай буюк ишларни амалга оширишга интильмайлик, барча олижаноб ҳаракатларимизнинг негизиде, барча эзгу ниятларимизнинг замирида фарзандларимизнинг ҳам жисмонан, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом қилиб ўстириш, уларнинг бахту саодати, фаровон келажагини кўриш, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган авлодни тарбиялаш орзуси мужассамдир.

Мамлакатимизда истиқлолнинг илк йиллариданоқ баркамол авлодни тарбиялаш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Фарзандларимизни баркамол, замонавий билимларни пухта эгаллаган, иймонли-этиқодли, буюк аждодларимизнинг муносиб ворислари бўлиб камолга етишига доимий эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиб келинмоқда.

Ўтган 2009 йилда соғлом зурриётни дунёга келтириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, ўғил-қизларимизнинг замонавий билим ва тараққиёт чўққиларини эгаллаши, ўз иқтидор ва қобилиятини рўёбга чиқариши учун кенг имкониятлар яратиш, ҳуқуқ ва манфаатларини тўлиқ таъминлаш борасида улкан ишлар амалга оширилди.

(Давоми 2-бетда)

(Боши 1-бетда)

Давлатимиз раҳбарининг она ва бола саломатлигини муҳофизат қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир кўшимча чора-тадбирлар, 2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самардорлигини ошириш чора-тадбирлари дастурига оид қарорлари бу борада муҳим аҳамият касб этмоқда.

Она ва бола скрининг хизмати йўлга қўйилгани, соғлом оналикни таъминлаш, фертил ёшидаги аёлларга кўрсатиладиган тиббий ёрдам сифатини ошириш, озик-овқат таркибини фойдали микроэлементлар билан бойитиш, қон хизмати хавфсизлигини таъминлаш, оилада тиббий маданиятни ошириш, репродуктив саломатликни яхшилаш, никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш ишларини мунтазам йўлга қўйиш бўйича амалга оширилаётган кенг миқёсли изчил чора-тадбирлар соғлом фарзандлар туғилишига хизмат қилмоқда.

Ёшлиқда олган билим — тошга ўйилган нақшдир. Дарҳақиқат, инсон умрининг ёшлик йиллари ўқиш, изланиш, камолот сари интилиш палласи, бахт-саодат йўлидаги энг муҳим босқич ҳисобланади. Аниқ мақсад-муддаоларни кўзлаган ҳолда тинимсиз илм ўрганиш, ижодий изланишда бўлиш ўз самарасини бериши, шубҳасиз. Юртимизда ёшларимиз учун бу борада ҳавас қилса арзиғулик шарт-шароит ва имкониятлар яратилган.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва унинг таркибий қисми сифатида қабул қилинган Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури ўз вақтида узокни кўзлаб бошлаган оламшумул ишларимизнинг асоси бўлиб хизмат қилмоқда. Биргина 2009 йилда мамлакатимиз бўйича жами 1957 мактаб, 214 академик лицей ва касб-хунар коллежи қурилгани ва реконструкция қилингани, улар энг замонавий ўқув-лаборатория ускуналари, компьютер техникаси, дарсликлар ва ўқув-услубий воситалар билан жиҳозлангани, спорт инфратузилмасига эга бўлгани, барча мактабларимиз ҳаётига Интернет тизими кириб боргани ёшларимизнинг камолоти йўлида амалга оширилаётган кенг қўламли ишларнинг ёрқин ифодасидир.

Президентимиз таъкидлаганидек, спорт ёш авлодга соғлом, бардам-бақувват, хурфик инсон бўлиб етиштиш учун ёрдам беради. Спорт оилада, жамиятда соғлом муҳит қарор топиши учун замин бўлиб хизмат қилади. Спорт мамлакатимизнинг халқаро майдондаги обрўини янада ошириш, нуфузини янада юксалтириш учун имконият яратади.

Юртбошимиз ташаббуси билан ташкил этилган уч босқичли узлуксиз спорт тизими — «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод», Универсиада спорт мусобақалари навқирон авлодни спортга кенг жалб этиш билан бирга юртимиз байроғини халқаро майдонларда баланд кўтардиган спортчиларни кашф этишда гоят катта аҳамият касб этаётди. Болалар спортини ривожлантириш борасида мамлакатимизда яратилган тизим ва тўпланган тажриба жаҳонда кўпчиликда қизиқиш ва ҳавас уйғотмоқда.

Бу соҳада амалга оширилаётган ишларимизнинг самараси ўғил-қизларимизнинг халқаро майдонларда эришяётган муваффақиятлари мисолида ҳам намоён бўлмоқда. 2009 йилнинг сентябрь ойида Италиянинг Милан шаҳрида бокс бўйича ўтказилган XV жаҳон чемпи-

онатида вакилларимиз битта олтин, битта кумуш, иккита бронза медални кўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида учинчи ўринни эгаллади. Эркин ва юнон-рум кураши бўйича Данияда ўтган жаҳон чемпионатидан ўзбекистонлик курашчилар бир олтин, бир кумуш ва бир бронза медал билан қайтгани, каноэ ва байдаркада эшак эшиш бўйича Техронда ўтган Осиё чемпионатида спортчиларимиз 9 олтин, 10 кумуш, 8 бронза медални кўлга киритгани алоҳида эътирофга лойиқдир.

Спортнинг нафис тури ҳисобланган бадий гимнастика ва спорт гимнастикаси жадал ривожланмоқда. Жорий йил февраль ойида пойтахтимизда бўлиб ўтган бадий гимнастика бўйича Осиё чемпионати ва гимнастикачи қизларимиз эришган юксак натижалар бу

Халқимиз бу йил ҳам боқий байрамимизни алоҳида таратдуд билан кутиб олди. Баҳорнинг дастлабки кунларидан юртимизда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари бошлаб юборилди. Умумхалқ ҳашари ташкил этилиб, маҳаллар, кўчалар, аҳоли турар-жойлари ободонлаштирилди, ариқ-зовурлар тозаланди, зиёратгоҳ, қабристон ҳамда муқаддас қадамжолар тартибга келтирилди, мевали, манзарали дарахтлар, гул кўчатлари ўтказилди. Табаррук қарияларимиз, ота-оналаримизни эъзозлаш, ўзаро меҳр-оқибатли бўлиш, катталарга ҳурмат ва кичикларга иззат кўрсатиш, жамиятимизда ҳеч кимни эътиборсиз ва қаровсиз қолдирмаслик каби азалий фазилатларимиз ривож топмоқда.

Буюк аждодларимизнинг илм-фан ва маданиятнинг

ловлар халқимизнинг юксак ижтимоий-сиёсий маданиятини, унинг сиёсий ва фуқаролик онг даражаси тобора ўсиб бораётганини, сайловчилар мамлакатни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш жараёнларини чуқурлаштириш йўлидан изчил илгарилаб бораётганимизни кенг қўллаб-қувватлаётганини намоён этди.

Тинч-осойишта юртда хурсандчилик, тўй-томоша кўпаяверади, ҳаловатли халққа байраму сайиллар ярашади. Юртбошимиз олиб бораётган оқилона сиёсат самарасида осмонимиз мусаффо, тинчлик-барқарорлигимиз мустаҳкам, турли миллат ва элат вакиллари ягона оила фарзандларидек аҳил ҳаёт кечирмоқда. Она Ватанимиз хавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлаш, шу муқаддас заминимизда ҳукм сураётган тинч-осойишта ҳаётни

Ўзбекистон шароитида уни бар-тариф этишининг йўллари ва чоралари» китобининг қисқа муддатда кўплаб хорижий тилларга таржима қилингани ва нашр этилганидан ҳам билса бўлади.

Наврўз — бунёдкорлик фасли. Юртимизда Наврўздан Наврўзгача, яъни йил давомида улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Мамлакатимиз бўйича 2009 йилда жами 22 йирик ишлаб чиқариш объекти ишга туширилди. Қурилиш материаллари саноати, озик-овқат, энгли санаят ва бошқа тармоқларда кичик бизнес соҳасида 480 дан ортиқ янги корхона ташкил этилди. 217 километрлик автомобил йўли фойдаланишга топширилди, 538 километр йўл ва кўплаб кўприклар капитал таъмирланди.

Шаҳар ва қишлоқларимизда олиб борилаётган қурилиш ва ободонлаштириш ишларининг суръати вақтни-да шошириб кўядиган даражада ҳайратланарли. Буни ҳис этиш учун пойтахтимиз ҳуснига-ҳусн қўшган, халқимизнинг буюк бунёдкорлик салоҳиятининг яна бир намоёнига айланган «Ўзбекистон» халқаро анжуманлар саройини кўз олдимизга келтиришнинг ўзи кифоя.

Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида қишлоқларимиз қиёфасини тубдан ўзгартириш, бу ерда замонавий архитектура талаблари асосида уй-жойлар, ижтимоий объектлар барпо этиш, қишлоқ аҳолисига муносиб турмуш шароитларини яратиб бериш борасида улкан ишлар амалга оширилди. Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида меъморчиликнинг энг сўнгги ютуқларидан фойдаланган ҳолда ишланган намунавий лойиҳалар асосида замонавий, қулай ва шинам уй-жойлар қурилиши бошланди. Наврўз байрами нишонланаётган шу кунларда мазкур уйларининг дастлабкилари ўз эгаларига топширилмоқда.

Юртимизда айём кунларида янги корхоналар, ишлаб чиқариш объектилари, таълим-тарбия муассасалари, спорт мажмуалари, хизмат кўрсатиш шохобчалари фойдаланишга топширилмоқда, янги бог-роғлар яратилмоқда.

...Саҳнада санъат усталари, эстрада юлдузлари, ёш хонандалар ўзларининг янги куй-қўшиқларини, рақсларини тақдим этадилар...

Истиклол йилларида миллий эстрада санъатимиз сифат жиҳатдан янги ривожланиш палласига кирди. Бундай натижаларга эришишда миллий ва умумбашарий мусиқа санъатини, жаҳон санъатининг энг яхши намуналарини ўрганиш бўйича катта имкониятлар очилгани, соҳа ривожига кўрсатилаётган доимий эътибор, ёш истеъдодларни кашф этиш учун яратилаётган имкониятлар муҳим аҳамият касб этади.

...Майдон узра таралган мусиқий оҳанглор, ҳофизлар хонишида Наврўз, Ватан, жамиятимиздаги бунёдкорлик муҳити, севги ва муҳаббат тараннум этилади...

Миллий боғда ташкил этилган халқ хунармандлари кўргазмасида намоён этилаётган маҳсулотлар бунёдкор, меҳнатсевар халқимизнинг нафис диди, сержило касб-кори, бой маданият-маънавий мероси ва юксак санъатининг ифодаси сифатида кўнгилда фахр уйғотади.

Қиру адирларда, дашту далаларда, кўча ва хиёбонларда дилларни эркалаб баҳор сабоси таралмоқда, борлиқни уйғотувчи Наврўз навоси янграмоқда.

Юртимизнинг барча шаҳар ва қишлоқларида Наврўз сайиллари давом этмоқда.

Олим ТўРАҚУЛОВ,
ЎЗА шарҳловчиси

Эзгулик, бағрикенглик ва нафосат байрами

**Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида
бўлиб ўтган Наврўз байрами тантаналаридан репортаж**

спорт турига эътибор ва қизиқиш мамлакатимизда муттасил ошаётганидан далолатдир.

Инсоннинг руҳий-маънавий камолоти, тафаккурининг ривожланишида санъатнинг ўрни ва аҳамияти гоят каттадир. Шу маънода, ёшларимизнинг маънавиятини юксалтириш, уларни теран тафаккур, эзгу фазилатлар соҳиби этиб тарбиялашда, қалби ва онгида она Ватанга муҳаббат, миллий анъана ва қадриятларимизга ҳурмат-эҳтиром туйғуларини мустаҳкам қарор топтиришда мусиқа санъатининг ўрни ва аҳамияти беқиёс.

Давлатимиз раҳбарининг болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастурига оид қарори фарзандларимизнинг маънавий олами ва маданий савиясини юксалтириш, уларнинг миллий ва жаҳон мусиқа маданиятининг энг сара намуналаридан кенг баҳраманд бўлиши учун зарур шарт-шароит яратмоқда.

Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан қабул қилинган «Баркамол авлод йили» Давлат дастури асосида ҳаётга татбиқ этилаётган кенг қўламли вазибалар униб-ўсиб келаётган фарзандларимизнинг ҳар томонлама баркамол авлод бўлиб, ҳаётга кириб боришига хизмат қилиши шубҳасиз.

...Муаззам саҳнада болалик завқини суриб, барчага сурур бахш этаётган жажжи болакайлар тимсолида бугун вояга етаётган ёшларимизнинг нурили, беғубор юзларига, ақл-заковатига, ҳаракат ва интилишларига боқиб, уларнинг юртимизда ҳеч қачон, ҳеч кимдан кам бўлмайдиган янги ҳаёт, янги жамият қуришга қодир эканига ишончимиз ортади...

Наврўз байрами азалдан покизалик, орасталик, меҳр-оқибат, хайру саховат тимсоли бўлиб келган. Ота-боболаримиз бундай кунларда хонадонлар, кўча ва маҳалларни ораста қилганлар, етим-есир, бева-бечоралар, хастаю муҳтожларга меҳрибонлик, саховат ва муруват кўрсатишга шошилганлар, гина-кудуратлар унутилган.

кўплаб соҳалари ривожига қўшган бебаҳо ҳиссасини дунё аҳли кенг эътироф этган. Юртимизда маданий ва маънавий меросимизни, миллий қадриятларимизни янада бойитиш ва уларни умуминсоний қадриятлар билан уйғун ҳолда ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўтган йилда азим пойтахтимиз Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик юбилейи халқаро миқёсда кенг нишонланди.

Халқимиз Наврўзни ҳаммаша эзгу ниятлар, хурсандчилик, ўйин-кулги, яхши тилак ва истаклар билан қарши олган. Халқ термалари, бахшилар айтишуви, ҳазил-мутойиба, қўшиқлар, лапарлар янграган. Улоқ-кўпкари, халқ ўйинлари, пойга, кураш, мерганлик, кўчқор, хўроз ўриштириш каби томошалар ўтказилган. Дорбозлар, масхарабозлар, кўғирчоқбозлар, полвонлар ўз санъатини намоён этган. Сумалак, ҳалим каби хилма-хил баҳорий таомлар пиширилган.

...Фольклор ва этнографик жамоаларнинг ранг-баранг ашула ва рақслари, аскияларда, лапар, ўлан, яллаларда, полвону чавандозлар чиқишида Наврўз байрамининг ана шу хилма-хил ва ноёб қирралари намоён бўлади...

Янгилиниш — нафақат табиятга, балки жамият ҳаётига ҳам хос узвий жараён. Шу маънода, 2009 йил 27 декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва маҳаллий кенгашларга бўлиб ўтган сайлов мамлакатимизнинг демократик ўзгаришлар, фуқароларимизнинг танлаш эркинлигини таъминлаш ва кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлида қандай улкан муваффақиятларга эришганини яна бир бор тасдиқлади.

Ушбу сайловлар сайловчиларимизнинг фаоллиги, очкилик ва ошқоралик руҳида, миллий қонунчилик ва халқаро стандартларга тўлиқ риоя қилган ҳолда ўтганини жамоатчилигимиз, халқаро кузатувчилар кенг эътироф этди.

Президентимиз Ислам Каримов Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида таъкидлаганидек, бўлиб ўтган сай-

кўз қорачиғидек асраш, жондан азиз фарзандларимизни турли иллатлар ва бузғунчи гоялардан ҳимоя қилиш барчамизнинг муқаддас бурчимиздир.

...Саҳнада баралла янграётган мумтоз қўшиқлар, жозибали рақслар дилларни дилларга боғлайди, қалбларни фаҳрга тўлдиради. Кўз ўнгимизда Наврўзнинг инсонни ва тинчликни улғувовчи моҳияти, халқимиз маданиятининг нақадар бой ва бетакрор эканлиги янада ёрқинроқ намоён бўлади...

Тинчлик ва ҳамжиҳатлик ҳукмрон, фидойилик, изланиш, ташаббус ва ҳалол меҳнат қадрланган юртда қут-барақа бўлади. Буни бугунги глобал молиявий-иқтисодий инқироз шароитида мамлакатимизда иқтисодий барқарорлик, юксалиш суръатлари давом этаётганида ҳам кўриш мумкин. Мамлакатимизни ривожлантириш, янгилаш ва модернизация қилиш бўйича танлаган стратегиямизни ва Инқирозга қарши чоралар дастуримизни амалга ошириш натижасида 2009 йилда Ўзбекистон иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг барқарор суръатларини таъминлаш, халқимизнинг моддий фаровонлигини юксалтиришга эришди. Ўтган йилда юртимизда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 8,1 фоизни ташкил этди.

Янги иш жойлари ташкил этиш, айниқса, ёшларни ва хотин-қизларни иш билан таъминлашга қаратилган эътибор натижасида аҳоли турмуш даражаси юксалиб бормоқда. Ўтган йили қурилган амалий чоралар самарасида 940 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилди, аҳолининг реал даромадлари 26,5 фоизга кўпайди.

Ҳа, давлатимиз раҳбари томонидан ишлаб чиқилган иқтисодий ислохотларни изчил ва босқичма-босқич амалга ошириш борасидаги машҳур беш тамойил нақадар пухта ва ҳаётийлиги яна бир бор ўз тасдиғини топди. Жаҳонда тараққиётнинг ўзбек моделига, Ўзбекистонда инқирозга қарши олиб борилаётган чоралар дастурига қизиқиш ортиб бормоқда. Буни Президентимиз Ислам Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози,



Оқсоқоллар ташаббуси

Сардоба туманидаги Янги-обод қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли

Пахтаобод ва Бирлашган маҳаллалари фуқаролари ўз ҳисобидан маблағ тўплаб, ҳашар йўли билан 1,5 километрга қувур ётқиздиришди. Натижада, хонадонларга олов тафти билан бирга кут-барака ҳам кириб келди.

Ушбу хайрли ишда экскаваторчи-машинистлар Отамурод Тўхтамишев ва Комилжон Ниёзматов беминнат хизматларини аяшмади. Вилоят «Газтаъминот» корхонаси бошқармасидан сафарбар этилган пайвандчилар Ақромжон Ҳасанов, Абдумалик Эгамбердиев хонадонларга табиий газ ўтказиб беришда жонбозлик кўрсатишди.

Пиримкул ДЎСТМАМатов,
«Ishonch» мухбири

Ажойиб совғалар

Ёшларни соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш, уларнинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш мақсадида тармоқ вилоят кенгаши томонидан Баркамол авлод йилига бағишланган хайрли ишлар бошлаб юборилди.

Яқинда Поп туман тиббиёт ва Наманган шаҳар 2-тиббиёт коллежларига стол теннис анжомлари ва жиҳозлари топширилди. Бу совғалар талаба-ёшларни бениҳоя хушнуд этди.

Р.РАҲМАТУЛЛАЕВ,
Соғлиқни сақлаш ходимлари касабаси уюшмаси Наманган вилоят кенгаши раиси

Саводхонлик байрамлари

Навбахор тумани умумтаълим мактабларида бўлиб ўтган саводхонлик байрамлари ўқувчилар билимини чархлашга қаратилди.

Айниқса, Муқимий номидаги мактабдан Г.Амонова, Д.Абдуазизова; У.Юсупов номидаги мактабдан Ҳ.Жўраева; Зебунисо номидаги мактабдан Г.Ниёзова; Н.Ўткиров номидаги мактабдан О.Тўраева; Абдулла Қаҳҳор номидаги мактабдан Р.Сиддиқова каби бошланғич синф ўқитувчиларининг замонавий дарс ўтиш усуллари юқори баҳоланди.

Б.АХРОРОВ

Соғлом турмуш тарзи учун

Навоий давлат педагогика институти қошидаги Компютер ва ахборот технологиялари лицейида Баркамол авлод йили муносабати билан «Соғлом турмуш тарзи — соғлом оила пойдевори» тадбири бўлиб ўтди.

Ранг-баранг чиқишларга бой, бадийлаштирилган кечада Навоий шаҳар ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Л.Неъматова, «Камолот» ЁИХ Навоий шаҳар кенгаши вакили Ў.Турдиев ҳамда шаҳар ўсмирлар поликлиникаси шифокори М.Ҳамроева мавзу юзасидан ёшларга тушунча беришди.

Г.НОРБОЕВА

Оқила ва латофатли

Муборак туман хотин-қизлар кўмитаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббуси билан хотин-қизларнинг жамиятдаги фаоллигини ошириш учун шартнома асосида ҳарбий хизматни ўтаётганлар ўртасида «Энг оқила, латофатли аёл» танлови уюштирилди.

Н-қисмда хизмат қилаётган оддий аскар Азиза Шодмонова шартларни тўлиқ бажариб, биринчи ўрин соҳи-

баси бўлди. Иккинчи ва учинчи ўринларни Шоира Қурбонова ҳамда Юлдуз Ҳакимовалар қўлга киритишди.

Ўн олти хил маҳсулот

Қашқадарёнинг Косон туманидаги Равот маҳалласида бундан бир йил муқаддам «Вопи Kosmetiks» корхонаси ташкил этилиб, унга 1 миллиард 465,3 миллион сўмлик инвестиция жалб қилинган эди.

— Сарфланган сармоя ўз самараси-

ни бермоқда, — дейди туман бандликка кўмаклашувчи марказ директори Даврон Имомов. — Ўнлаб ишчи ўринлари яратилди ва янги турдаги маҳсулот ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Маҳаллада жойлашган кичик корхонада тайёрланаётган тўққиз хил шампун ва етти хил балзам каби парфюмерия ҳамда косметика моллари нафақат Қашқадарёда, балки бутун республика ҳудудида сотилапти.

Иzzат ХИКМАТОВ,
«Ishonch»нинг жамоатчи мухбири

Хонадонлар файзи

Хива гиламларининг довуғи етти икклимда маълум ва машҳур. Миллий анъана ва қадриятларимизни ўзида акс эттирувчи бир-бирдан сержило ва мафтункор гиламларга боккан кишининг кўзи қувнайди. Уларнинг табиий мато сифатида хонадонларга файз бағишлаб, инсонга саломатлик, шижоат ва илҳом бахш этиши сир эмас.

«Хоразм гиламлари» масъулияти чекланган жамияти жамоаси буни яхши билади. «Хива-Карпет» қўшма корхонаси негизда ташкил қилинган ушбу корхонанинг лойиҳавий қуввати йилига 1 миллион метр квадрат гилам ишлаб чиқаришга мўлжалланган. Ўтган йили корхонада 410 минг метр квадрат гилам ва гилам маҳсулотлари, 374 тонна пишитилган калава ипи ишлаб чиқарилиб, меҳнат унумдорлиги ҳар бир ишчи ҳисобига 8 миллион 118 минг сўмга етказилди.

— Республикаимизнинг барча вилоятларида савдо шохобчаларимиз фаолият кўрсатмоқда, — дейди МЧЖ раҳбари Эркинбой Отажонов. — Шунингдек, Туркия, Россия каби давлатларга маҳсулот экспорт қилишни ҳам йўлга қўйдик. 2010 йилда ташқи бозорга 2 миллион АҚШ доллари миқдорида маҳсулот етказиб бериш юзасидан шартнома имзоладик.

М. ТўРАБОЕВА, «Ishonch» мухбири




Янги турар жойлар

Хоразмда қишлоқ ёшлари учун замонавий турар-жойлар қуриш ишлари жадаллик билан давом этмоқда. Юксак маҳорат билан бунёд этилаётган, барча шарт-шароитларга эга ушбу турар жойларга талабнинг ортиб бораётгани қурувчиларни шах-

«Хўжаниёз» қурилиш корхонаси қурувчиларининг қўли-қўлига тегмайди. Улар қишлоқ оилаларини тезроқ хушнуд қилиб, уй тўйларини кўриш ниятидалар.

Комилжон ЎРОЗИМБЕТОВ
олган суратлар



дам ҳаракат қилишга ундамоқда.

Сиз кўриб турган қурилиш жараёни Хонқа туманида суратга муҳрланган. Шу кунларда бош пудратчи



Кун тартибида — қишлоқ қурилиши

Ўзбекистон қурилиш ва қурилиш ашёлари саноати ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши Раёсатининг кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди. Унда тармоқ касаба уюшмасининг Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш — устувор мақсадимиз» мавзусида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлиси ҳамда 2009 йилнинг асосий яқунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаларидан келиб чиқадиган вазифалари тўғрисидаги масалалар кўриб чиқилди.

Тадбирда тармоқ касаба уюшмаси Марказий кенгаши раиси Ў.Турғунов сўзга чиқиб, тармоқда олиб борилаётган ишлар,

вилоятлардаги қишлоқларда уй-жой қурилишини ривожлантириш ва касаба уюшма ташкилотлари олдида турган вазифалар тўғрисида атрафлича тўхталиб ўтди. Марказий кенгашнинг Фарғона вилояти ва Қорақалпоғистон Республикаси бўйича вакиллари Х.Қосимов ва К.Гаиповалар ҳам бу борада ўз фикрларини билдиришди. Раёсат кўрилган масала бўйича тегишли қарор қабул қилди.

Раёсат мажлисида бошланғич ташкилотларда ҳисобот-сайловларнинг бориши, «Ўзқурилишматериаллари» акциядорлик компанияси ва «Ўзмонтажмахсусқурилиш» уюшмаси билан тузилган тармоқ тариф Келишувларининг 2009 йилда бажарилиши натижалари ҳамда тармоқ касаба уюшмаси фаолиятига боғлиқ йил режасида белгиланган бошқа масалалар ҳам муҳокама қилинди.

А.ТОШПҲЛАТОВ

Андижон шахридаги Боғишамол ижтимоий-иқтисодий педагогика коллежида вилоят ўрта махсус касб-хунар таълими бирлашган касаба уюшмаси кўмитаси томонидан «Академик лицей ва касб-хунар коллежлари касаба уюшма ташкилотларида ҳисобот-сайловлар яқунлари ва келгуси вазифалар» мавзусида ўқув-семинари ўтказилди. Унда бошланғич касаба уюшма кўмиталари раислари, таълим муассасаларининг раҳбарлари қатнашди.

Сарҳисоб

Иштирокчилар семинар мавзусига бағишланган кўргазма ва Боғишамол ижтимоий-иқтисодий педагогика коллежи бошланғич касаба уюшма ташкилоти фаолияти билан танишди.

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Андижон вилоят кенгаши раиси Э.Каримов ва кенгаш раиси ўринбосари Х.Матисаев йиғилишда сўзга чиқди.

Шундан сўнг, аёллар ўртасида спортнинг шахмат ва шашка турлари ҳамда эркаклар ўртасида волейбол бўйича кўргазмалари мусобақа ташкил қилинди.

Ўқув-семинар давра суҳбати билан яқунланди.

Насибохон Тўрақулова,
Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси
Андижон вилоят кенгашининг мутахассиси

Толаларга туташ тақдирлар

«Хатирчи пахта тозалаш заводи» ОАЖ собиқ касаба уюшма ташкилоти раиси пенсияга кузатилгач, мазкур масъулиятли вазифани юритиш катта ишонч билан Мустафо Назаров зиммасига юклатилди. Жонкуяр етакчи доимо изланишда бўлиб, ҳар бир аъзо манфаатини дадил туриб ҳимоя қилишга уринди. Корхона раҳбари ҳамкорлигида кам таъминланган, ёрдамга муҳтож оилалар мунтазам ҳимояга олиниб, улар ҳар байрам арафасида моддий қўллаб-қувватлаб турилди.

Яқинда жамият касаба уюшма аъзолари ҳисобот-сайлов йиғилишида жонкуяр ва ташаббускор етакчи Мустафо Назаровнинг номзоди яқдиллик билан қўллаб-қувватланди.

Мансур
АЛОВУДДИНОВ,
«Ishonch» мухбири



Кўтаринки руҳда

Янгийўл туманидаги «Гулбахор матлубот-инвест» МЧЖ касаба уюшма кўмитасининг ҳисобот-сайлов конференциясида ўтган давр мобайнида амалга оширилган ишлар қизгин муҳокама қилинди.

Ҳисобот юзасидан сўзга чиққанлар бошланғич ташкилот фаолиятини ижобий баҳолаб, айна вақтда тақлифларини билдириб ўтишди.

Тадбирда Савдо, матлубот кооперацияси ходимлари ва тадбиркорлар касаба уюшмаси Марказий кенгаши раиси Чори Шодиев, Тошкент вилояти тармоқ касаба уюшмаси кенгаши раиси Баҳодир Мирзаев ҳамда Янгийўл тумани тармоқ кенгаши раиси Саодат Турсуналиева иштирок этиб, бошланғич ташкилот фаолиятини янада кучайтириш борасида қилиниши лозим бўлган ишлар хусусида фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Йиғилиш сўнгида бошланғич ташкилот фаолияти қониқарли деб топилиб, Кўчқор Маматбоев бир овоздан касаба уюшма раиси этиб сайланди.

Акмал ТОШЕВ,
«Ishonch» мухбири

Муборак газни қайта ишлаш заводи касаба уюшма кўмитасининг ҳисобот-сайлов конференцияси бўлиб ўтди. Унда ҳисобот даврида қатор ижобий ишлар амалга оширилгани қайд этилди.

Намунали ва ишчан кўмита

Корхонада ўртача иш ҳақи 2005 йилда 162816 сўм бўлган бўлса, 2009 йилга келиб бу кўрсаткич 477423 сўмни ташкил этди. Ишчи-ҳодимларга тунги вақтда, дам олиш ва байрам кунлари, шунингдек, зарарли шароитда ишлаганликлари учун устама ҳақлар тўланади. Ишчи ва муҳандисларга ишлаб чиқариш кўрсаткичлари ва натижалари бўйича ойлик мукофот пуллари тўланиши йўлга қўйилган. Шунингдек, меҳнатқашларни ва уларнинг фарзандларини соғломлаштириш борасида кўпгина ишлар қилинди.

Меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизлик техникаси, ёнғин, йўл ҳаракати ҳамда саноат хавфсизликларини мустақамлаш мақсадида кўрик-танловлар ва текширувлар, турли маънавий тадбирлар ўтказилапти.

Байрамларда нафақадорлар, ногиронлар, кам таъминланган ва боқувчисини йўқотган оилалар ҳолидан хабар олиниб, совға-саломлар берилади.

Хотин-қизлар комиссияси билан биргаликда «Санамлар сарвари», «Она ва бола», «Мушоира кечалари», «Даврага кел, дугонажон», «Ибратли оила» кўрик-танловлари ташкил этилиб, голиблар вилоят ва республика босқичларида ҳам муваффақиятли қатнашапти.

Касаба уюшма кўмитасининг юқоридаги ибратли ишлари 2009 йилда ўтган «Намунали бошланғич касаба уюшма ташкилоти» танловида муносиб баҳолашиб, 1-ўринга лойиқ топилди.

Ишчилар волейбол, мини футбол, стол тенниси, шахмат-шашка билан мунтазам шуғулланиб, тармоқ спартакиадалари ҳамда бошқа касаба уюшма спорт тадбирларида муваффақиятли иштирок этапти. Туристтик шахарларга саёҳатлар уюштириш аънаёнага айланган.

Бир сўз билан айтганда, завод касаба уюшмаси намунали ишларни амалга оширмоқда. Шу муносабат билан конференция якунида жамоа яна Акрам Ҳамроевга ишонч билдирди.

Акмал АБДИЕВ,
«Ishonch» мухбири

Раис қайта сайланди

Жиззах олий ҳарбий Авиация билим юрти касаба уюшмаси 124 нафар аъзони бирлаштирган. Касабақўм раиси Людмила Шокирова бошланғич жамоат ташкилотининг ўтган беш йиллик фаолияти ҳақида йиғилганларга ҳисобот берар экан, касаба уюшма иши бир қадар жонланганини, жамоа шартномаси бандларининг тўла-тўқис бажарилишида иш берувчи билан ўзаро ҳамкорлик самара бераётганлигини қайд этди.

Музокарада сўзга чиққанлар ютуқлар билан бирга камчиликларга ҳам эътиборни қаратдилар. Таъкидландики, жамоа шартномаси бандларига бугунги ҳаётини эҳтиёж ва талабларни сингдириб бориш муҳим. Иш жойларидаги айрим жиҳозлар эскирган. Касаллик варақасига ҳақ тўланишини касаба уюшма ўз назоратига олиши зарур.

Касаба уюшма ташкилотининг фаолияти қониқарли деб топилиб, Л.Шокирова қайта касабақўм раиси этиб сайланди.

Абдуманнон АЗИМОВ,
«Ishonch» мухбири

Сирдарё вилояти телерадиокомпаниясида бўлиб ўтган касаба уюшма кўмитасининг ҳисобот-сайлов йиғилишида охириги 5 йилда амалга оширилган ишлар, жамоа шартномаси асосида яратилган қулай шарт-шароитлар, ижодий ходимларнинг ҳуқуқлари ва ижтимоий-иқтисодий манфаатларининг ишончли тарзда ҳимоя қилингани қайд этилди.

Фаолият кўзгуси

Музокарада сўзга чиққанлар касаба уюшма кўмитасининг ҳисобот даврида амалга оширилган ишлари тўғрисида атрафлича тўхталиб, фаолиятни янада тақомиллаштириш бўйича фикр-мулоҳазалар, тақлиф ва тавсиялар билдиришди.

Йиғилишда компания касаба уюшма ташкилотининг янги таркиби сайланди. Файзулла Бободўстовга яна касаба уюшма етакчилиги ишониб топширилди. Вилоят тармоқ касаба уюшмасининг навбатдаги ҳисобот-сайлов конференциясига делегатлар сайланди.

Пиримқул ДЎСТМАМАТОВ,
«Ishonch» мухбири

Ҳисобот-сайлов йиғилишлари бундан буёнги фаолиятимизнинг асосини ташкил этади. Ушбу муҳим тадбирга жойларда катта масъулият билан ёндашилаёпти.

Айни вақтда ҳар бир касаба уюшма етакчиси ва фаоли ўзига ҳисобот даврида нималарга эришдик, қандай камчиликларга йўл қўйдик дея савол бериши, унга ҳолис ва виждонан жавоб бериши зарур. Шунингдек, касаба уюшма органига билимдон, тармоқда ёки корхонада ўзига яраша обрўга эга шахс сайланиши ҳам муваффақият-

ли фаолиятнинг гарови эканлигини унуттишга ҳаққимиз йўқ.

Кўплаб йиғилишларда асосли танқидий фикрлар ҳам билдирилаёпти. Бундай беғараз танқидлар фаолиятимизни тақомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этади.


Касаба уюшма етакчиси жамоанинг юзи бўлиши зарур. Бундай

шахсни касаба уюшма кўмитаси аъзоларигина ўз ораларидан аниқлаб олиши мумкин. Биз эса уларнинг фаолиятига ҳар томонлама ёрдам беришга ҳаракат қиламиз.

Юнус ҒОФУРОВ,
Тошкент вилоят алоқа
ходимлари бирлашган касаба
уюшма кўмитаси раиси

Соғлом танқид

ЯХШИ САМАРА БЕРАДИ



*Бор хо, кел хо,
Ҳамалам ҳа,
Йўл қайда,
Йўлни топиб кел,
Тезда чопиб кел,
Уйнагани кел,
Куйлагани кел,
Сайилга кел, хо-о...*

Бу фақатгина фолклор жамоаларининг репертуаридан ўрин олган кўшиқ эмас. Балки тараққий-у таназул кунлардан ошиб ўтиб, босқинчилар юртни ғорат қилганда халқимизга хос метин ирода ва сабр-бардошга ундов, озодлик шаббодаси юракларни сийпалаганда эса ҳаловати кўнгилнинг туб-тубидаги губорларни ҳам кетказадиган умуммиллий байрамга, Наврўзи оламга чорлов бўлиб, асрлар силсиласида яшаб келмоқда.



татилган унгурини ҳидлаган Бойчибор кишанларни узиб ташлайди. Алпомиш-ни чоҳдан қутқазди.

Инсонга тирикликдан сўнг ато этилган бебаҳо неъмат — озодлик кўшиқ бўлади.

**Дунё ёруғи кўринди
Алпомишнинг кўзига,
Эсган шамол урилди
Чоҳ оқартган юзига,
Кулоқ берди Бойчибор
Унинг лайлий бўзига...**

Кун ва тун тенглашган кунга илиқлик берган кўёш Керага тоғ елкасига бош қўяди. Телпаги юзига

Суяк сурган садолар

сан. Эл кўнглига қараймиз, эл «Алпомиш»ни сўрабди, «Алпомиш»дан айтамыз-да...

**У савдолар ўтганда бу дунёлар ёш эди,
От минган йигитларга орият йўлдош эди...**

Отасининг кўйнида ўтирган болакайнинг эски қалпоғини шамол тортқилайди. Аслида қалпоқ акасиники. Шу боис у ҳозирча катталиқ қилади, кўзига тушиб кетаверади. Бироқ у ҳар гал кўзини очишдан эринмайди. Бутун борлиғи билан дoston эшитади. Чунки ота-буваси бахшини тинглаб келган. Қонида бор. Суяк суради.

Давра куриб ўтирганлар нафасни-да секин олишади. Сабаби, бугун бир киши айтади. Қолган барча тинглайди.

Бобомерос оҳанг кўнгилларни яйратади. Икки дарё оралиғида турфа савдоларни бошидан ўтказган халқимизнинг мусибатли ва хушвақт кунлари одамнинг кўз ўнгидан кино тасмасидай ўта бошлайди.

Ўзбекона ҳаёт тиргаги бўлган ор-номус, садоқат, меҳр-оқибат, мардлик кўшиқ бўлади.

**Кун қиём бўлиб,
кеч бўлди,
Полвон-полвонга
уч бўлди,
Билаги ёлонғоч бўлди,
Оғир бўлди, тўп бўлди,
Ор талашган
кўп бўлди...**

Кўёшнинг илиқ нафаси табиат ва кўнгилдаги мудроқликни уйғотади. Кечагина оппоқ қор остида ухлаган майсалар гўё мустамлака кунларида ҳам ўз қиёфаси, ўз овози, ўз мезонларини сақлаб қолган халқимиз иродасининг тимсоли бўлиб, янги куч, янги умид, янги ишонч билан замин узра бош кўтаради.

Бахшининг овози тобора авжланади.

Тингловчилар Бойсари бўлиб гажирлик қилади. Бойбўри бўлиб вазминлик тўнини кияди. Қултой бўлиб бобомерос кўрикни набира-ларга беради. Қоражон бўлиб дўстини тўрга ўтқазди. Алпомиш бўлиб, ёт элларда мунгайиб қолган ёримни қутқараман дея чибор отга қамчи уради...

Тингловчиларнинг илиги қизийди. Завқланишади ва баробарига жўр бўлишади:

— Ҳа-а, дў-ў-ў-ст!..
— Қўймайсан, Бойбўри-

нинг ули, қўймайсан!!

— Ўзимиздинг Алпомиш-да бу!!!
Завқли-завқли хитоблар бахшининг овозига овоз қўшади. Асил оҳанг Хайрондара адирларини тилка-тилка қилади. Ҳаётнинг ҳам и р т у р у ш и бўлган ғолиблик ва мағлублик кўшиқ бўлади.

**Давлатидан
адрес-кимхоб
кийдирди,
Кимки ганим,
хонмони
куйдирди,
Ҳақдан келган
ишга бўйин
ийдирди,
Ўн минг уйли
элатини жийдирди...**

Кўхна тегирмон бир маромда қуйилиб турган сувдан куч олиб, вазмин айланади. Бироқ ойнинг ўн беши ёруғ бўлса, ўн беши қоронғу. Бу элнинг баҳодирлари майдонда мағлуб бўлишмаган. Улар ҳамиша ортдан урилган пичоқдан яраланишган: Спитамен, Жалолиддин Мангуберди, Намоз ботир...

Бахшининг овозидаги шиддат, хушбоқлик ўрнини ҳазинлик эгаллайди.

Икки дарё оралиғидаги барча алпомишларни чоҳга етаклаган, отаси ёвузлик, энаси қўрқоқлик бўлган макр кўшиқ бўлади.

**Бир бадбахт кашмирга
дучор бўлибман,
Айёрлигин билмай,
онгда қолибман.
Беэга бўлгандир
тожу-давлатим,
Вайрон бўлди менинг
ўсган элатим...**

Кўёш уфқ томон аста сирғалади. Шафақ конталаш бўлади. Ҳамал эпкинни изғиринга қариндош. Давра куриб ўтирганлар чопонига тузукроқ ўранади.

Тос манглайи шўр бўлган, Бойбўри отаси кўр бўлган, юрти ғорат, эли ҳақорат қилинган Алпомиш дарди кўзларга ғазабни ияртиб келади. Қўллар муштга айланади.

Яхшиям, қанотлари оппоқ ғоз бор. У етти йил деганда таназул култепасига эврилаётган юртга Алпомишнинг тириклигидан хабар беради. Эгасининг ту-



тушган болакай отасининг кўйнида ухлаб қолади.

Бахши авжлангандан авжланади.

Алпомиш зулмда қолган халқини озод қилиш учун юртга қайтади. Таназулдан қуриган новдалар куртак ёза бошлайди. Ажралган ака-укалар тагин бир дастурхон устига йиғилади.

Асрлар силсиласида эгилган, буқилган, лекин синмаган адолатнинг ўзбекона тантанаси кўшиқ бўлади.

**Алпомиш келди элига,
Парли сари ёй кўлида,
Бойсарибекнинг
моллари
Кўшилди Кўнгирот
молига...**

Бахши дostonни адо қилади.

Борлиқ аста-секин тун тўнига ўранади. Томчитепа қорайиб кўринади. Қишлоқдаги уйлардан ёруғлик таратиб турган чироқлар ҳаётдан нишона беради.

Отасининг кўйнида ухлаб қолган болакайга тушида Алпомиш ўқ-ёй узатади. Баҳодир бу билан «ватан оилангдан бошланади, уни ёмон кўзлардан, бало-қазолардан асраш ҳамиша ўталажак бурчинг» демокчи бўлганини мурғак қалб ҳали яхши англамайди. Бироқ элнинг афсонавий қахрамони унга қулиб қараганини аниқ-тиниқ эслаб қолади.

Тингловчилар якка сўқмоқ йўлдан қишлоққа энадилар.

**Умид ЁҚУБОВ,
журналист**

Наврўзнинг ёшини биласизми?

Наврўзнинг пайдо бўлиши ҳақида турли манбаларда турлича маълумотлар учрайди. Абу Райҳон Беруний «Қадимий халқлардан қолган ёдгорликлар» китобида Кўёш йил ҳисобида биринчи ой деб саналган Фарвардин тўғрисида сўзлаб: «Бу ойнинг биринчи кунини Наврўздир, — дейди. — Наврўз йилнинг биринчи кунини бўлиб, унинг форсча номи ҳам шу маънони англатади».

Фирдавсийнинг «Шоҳнома»сида янги йил байрами шоҳ Жамшид номи билан боғланади. Жумладан, Жамшид юртга яхшилик қилиш мақсадида одамларга касб ўргатади, темир эритиб қуроқ ясатади, ип йигиртириб кийим тўқитади, иморатлар барпо қилади, табиблик сирларини очади, кема ясади, боғ бунёд қилади. Ниҳоят, «ишлари гуркираб берганда мева» бир кун тахт ясади, унда осмонга кўтарилади. Ушбу афсонага кўра, худди шу кун Наврўз нишонланган.

Алишер Навоий «Тарихи мулуки аҷам» асарида Жамшиднинг буюк кашфиётлари сўнггида улуг Наврўз ихтиро қилинганини баён этади. Унинг ёзишича, Жамшид «Чихил минор» номли одамзод кўрмаган ва ақл бовар қилмайдиган баланд бино куриб... «бу иморат туганда, олам саломин ва ашров ва аҳбарин йиғиб, анда азим жашн қилди. Ул вақтким, кўёш нуқта эътиқодли рабийға тақвил қилиб эрди, ул бинода тахт устига ўлтириб, адолат савт ва садосин оламга мунташир қилди ва ул кунининг отин наврўз қўйди».

Атоқли олим Ҳоди Зариф Наврўзнинг ёшини уч минг йилдан ҳам каттароқ деб ҳисоблаган. Шунча ёшга эга байрам албатта туркий халқлар тарихида муҳим ўрин туттади. 10-асрнинг буюк тарихчиси Абу Бакр ибн Жаъфар Наршахий «Бухоро тарихи» асарида ёзишича, қадимги варахшалиқлар янги йил байрамини «Наврўзи кишоварзон», яъни «Дехқонлар наврўзи» деб аташган. Бухоро дехқонлари асрлар буйи йил ҳисобини Наврўздан бошлаб юритишган.

Мутахассисларнинг фикрига кўра, Кўёш айни шу кун ҳаётбахш нурларини тик, яъни 90 даража бурчак ҳосил қилиб, сайёрамизнинг қок белига — экваторга йўналтиради. Шу дақиқаларда кечакундуз тенглашади ва 22 мартдан бошлаб Кўёшнинг тик йўналган нури шимолий тропик чизиги томон ҳаракатланади. Бу Наврўзнинг илк ва қутлуғ қадами бўлиб, табиатнинг жонланиши билан кишиларнинг ҳўжалик фаолияти ўртасида уйғунлик намоён бўлади.

**Гулчехра
ШАҲОБИДДИН қизи**

1.

Хут кирди.
Ер остига дуд кирди.
Дехқонни пайтавасига
қурт кирди.

Дастурхонга қут кирди —
яхши келса, хутни кўринг,
хурма-хурма сутни кўринг!

2.

Сукунат ва маъюслик ки-
риб борган кўнгилларни
кўкламий севинч ёриштириб
юборади...

... Мангу оёқ узатган ма-
рҳумот қабатида янги қабр
қазилди... Қабр — марҳум-
лар уйи. Зулмат ва ёлғизлик
уйи. Жонсиз тан паноҳ топа-
диган сўнги манзил... Қаб-
ристон ўлик сукунатини
бўғиқ қарға «қағ-қағ»и буза-
ди...

Асли шундай экан — ўтгу-
сиз дарё бўлмас, ўлимсиз
дунё бўлмас!

Сахий кўклар эса илк че-
чакларини ғариб қабрлар
пойига тўшайди...

3.

Тумонат одам тобут тала-
шади. Тобут савобталаб
кўллар ўртасида талаш
бўлди.

Майит олтишдан ошиб,
етмишга етмаган кампир
бўлди. Бойнинг божаси кўп,
камбагални хўжаси кўп!

Ана шу кампир боласини
бой Бахтиёр дейдилар. То-
бутталашлар кўпчилиги бой
Бахтиёр орқасидан келиб
эди. Шулардан бири тобут
кўлма-кўл бўлаётганда,
майит ҳидидан (балки тобут
ҳидидан?) бурнини жийир-
ди. (Шу ҳолига жаннат ҳиди-
ни ҳам орзу қилади!)...

Ўзи майит шу каттани ке-
лишига зорми?...

Тупроқ тортилди...
Бой Бахтиёр сел-себор
кўя берди.

Йиғловчилар кўп бўлди:
«Биздан рози бўлинг, она-
жон».

Юпатувчиларда кўп
бўлди: «Бир кун тугилмок,
бир кун ўлмок бор».

Бой Бахтиёр иниси бел-
курак тутқазди:

— Сизни кўлингизданам
тушсин.



— Сен нима, менга ақл
ўргатяпсанми? Ўзи, онамни
сен ўлдирдинг. Яхши қарага-
нингда, сал эътиборли бўлган-
нингда онам ҳали узоқ яшар-
ди.

Орага кексалар кирди:
— Жанжални жойимас,
майитни тинчини бузманг!
Иниси акасини четга торт-
моқ бўлди. Онаси сўнги ман-
зилга тинч кетишини иста-
ди...

Бой Бахтиёр инисини сил-
таб-силтаб ташлади. Шунда...
шунда... кутилмаган силташ-
дан ука орқаси билан... орқ-
аси билан... тупроқ тортила-
ётган гўрга кулаб тушди...!

Ука бир зум ҳеч нарсани
англамади... Фовур-ғувурдан
ўзига келди. Ўзини тупроққа
қоришган ҳолда, яримлаётган
гўр ичида кўрди...

Фовур-ғувур оломон унга
ёпишди. Биров кўлидан уш-
лади. Биров чангини қоқди.

Бошқа биров кўлтиғига
кирди.

Ука кўзи пирпиради. Ука
тилига калима келмади. Ат-
рофга аланг-жаланг боқди...
Айтишсанг сўз чиқади, тор-
тишсанг кўз чиқади!

... Янги қабр маъюсдан-
маъюс бўлди. Ука кўнгли ун-
данда маъюс бўлди...

— Онаси, ҳали ўғиллари-

мизни ўқитамиз.

Катта-катта одам бўлиб ке-
тишади.

Ҳали тўйдан бошинг чиқ-
май қолади...

Ота дардманд бўлди. Ота
дарди оғир бўлди.

Ўтди-ётди — бўлмади...
Омонат жонни топширди.

Она мактабга фаррош
бўлиб ишга кирди. Сут-қатиқ
сотди.

Болаларим ўқимасин дея,
туну кун тиним билмади.

Айниқса, Бахтиёр кўлини
совуқ сувга урдирмади.

«Ўқисин, одам бўлсин,
олим бўлсин, укасиниям изи-
дан тортади», — деди. Азон-
лаб мактаб ҳовлисини супур-
ди. Шаҳар бориб сут-қатиқ
сотиб келди. Мол-ҳолига ўзи
қаради.

Рўзгорни нимаси йўқ —
бўздан халтаси йўқ, бўлди...

Бахтиёр нон-тузни оқлади!
Мактабни олтин медал би-
лан тамомлади.

Шаҳар бориб, ўқишга ки-
риб келди.

Она умидлари рўёбга чиқар
бўлди.

Она ўзи емади. Ўзи ичмади.
Ўзи киймади. Топган тутгани-
ни шаҳар жўнатди...

Ўғил шаҳарда қолди. Ўғил
катта одам бўлиб кетди...

Она нафақа олар бўлди.
Ишлаб юрган эмасми, уйда
ўтиролмади.

Мактаб директорига борди.
Директор жилмайиб эшитди.

Она фаррошлигини давом
эттирди...

Бой Бахтиёр ўзи тенги «кат-
та»ларни олиб қишлоққа кел-
ди.

Катталардан бири бой Бах-
тиёр ўқиган мактабни кўрамиз,
йўл-йўлакай кириб ўтамиз,
деб кўймади.

Боиси, бой Бахтиёрни уйи-
га ана шу мактаб ёнидан бо-
риларди...

... Она ишини тугатди. Уйга
қайтмоқ бўлди. Йўлакда бир
тўда киши сўзлашиб турди.
Қаради-қаради — бирови кўзи-
га иссиқ кўринди. Борди-бор-
ди-яхшилаб қаради: Ўғли!!!

Она кўлидаги сатилни ту-
шириб юборди. Сатил суви
бир каттани шимига сачради.
Оёқ кийими лойсувга ботириб
олгандай бўлди.

Катта бақироқ бўлди. Катта
тили заҳар бўлди.

— Эсинг жойидами ўзи,
овсар кампир? Шимни расво
қилдинг-ку, биласанми буни
қанча туришини? Кўзингга
қарасанг ўласанми?

Бой Бахтиёр онасини
кўриб-кўрмасликка олди. Та-
ниб-танимасликка олди.

Юз-юзга тушар, уят ичга
тушар!

Ўғил ўз онасидан... уял-
ди!..

— Мана бу кутубхонамиз
эди, — дея катталарни ўша
томонга бошлади...

Йўхча гуруч ош бўлди —
меҳмон кўнгли хуш бўлди!

Она меҳмонларга кўрин-
май турди.

Бой Бахтиёр бағри куйган
ўчоқ бўйига борди. Онасига
ўшқирди:

— Ошларим олдида ер
ёрилмади, ерга кириб кетма-
дим. Сизга нима етишмайди,
уйда ўтирмайсизми. Булар —
биласизми ким? Булар бари
казо-казолар! Ана шу казо-
казоларни олдида сизни деб
шарманда бўлишимга оз
қолди!..

Шу-шу бой Бахтиёр ўзи
туғилиб ўсган уйдан оёғини
холи олди...

... Она ётиб қолди. Бориб-
бориб тилдан-да қолди. Қиш
сўнгида...


Омонатини топширди.

Она дунёдан ғам билан
кетди. Она дунёдан дард
билан кетди. Энг ёмон...
она дунёдан кадр кўрмай
кетди!

4.

Бой Бахтиёр онаси қабри
устига ялт-юлт мрамару
оҳанжамо тошлар ўрнаттир-
ди...

Бекзод УҚТАМ



Хотира
одамдан
ажрамай-
ди. Юрак-
ни орзиқ-
тирадиган
ўтган кун-
ларни
ёдингга
солади.

Қишло-
гимиз тоғ
ёнбағрида
жойлашган
учун
бизда та-
биатнинг
қ и з и қ
ҳодисала-
рига ҳеч

ким ажабланмайди. Бироқ «қушлар на-
фақат дарахтлар, тубсиз жарликлар, де-
ворларга уя қўяди, дабдурустдан ҳов-
лингизда типратикан, жайра, ҳатто бўри
ва тулкилар ҳам пайдо бўлиши мумкин,
ҳар қадамда бўлоқ жилдираб туради»
десангиз, шаҳарликлар ҳайратга туши-
ши, бундай ажойиботларни кўргиси ке-
лиши аниқ!

Илонларни-чи? Қишлоқда ҳар бир
уйда, даланинг ҳар қадамида илон уч-
ратасиз, безарар сариқ илон ва сув
илон. Саноғи йўқ заҳарли илонлар ҳам
тўлиб-тошиб ётибди. Отам «илонга те-
гинма, илон донишманд жонивор, сен
тегинмасанг, у ҳам тегинмайди. Ўлдир-
санг, бошқаси келиб ўч олади» деб
қайта-қайта тайинлаганидан бирор мар-
та илонга қўл кўтармаганман. Ётоқ ши-
фтада осилиб турган илонни ҳам панша-

Куйган илон воқеаси

ха билан олиб, тоқзорга қўйиб юборар
эдим.

Қишлоқда илон тутувчи мордорлар
пайдо бўлиб, «битта илон учун ўн тий-
ин берамиз» деб қишлоқ болаларини
қизиқтиргани ёмон бўлди. Ана-мана
дегунча илон зоти кириб ташланди.
Оддий сариқ илоннинг ҳам қораси
ўчди. Хуллас, ўша кунларнинг бирида
қирда чиллак ўйнаётган эдик, Умаркул
илоннинг боласини тутиб олди-да,
«ёқамиз, Ваня дегич мордорлар сардо-
ри «илон ўлдирсанг қирқта, ёқиб юбор-
санг барча гуноҳингни Худо кечиради
деган» деб болаларни гижгижлади. Тез-
да куруқ хас-хашак тўпланди.

— Аввал ўлдириб, кейин ёқамиз!

— Тириклайин ёқайлик!

— Териси дори эмиш. Бошини ке-
сиб терисини шилиб олиш зарур!

Мактабда аълочи бўлганимдан, отам-
нинг гаплари қулоғим остида тургани-
данми, билмадим, ўртага чиқиб: «Илон-
га тегма! Ким унга озор берса, мендан
яхшилик кўрмайди», — дедим ваҳожат
билан. Болалар ҳайратдан каловланиб,
қотиб қолдилар.

— Ким илон ўлдирса, илон қавми
уни топиб қақади ва ўлдирди. Қўйиб
юборинглар уни!

— Ким айтди сенга?

— Отам!

Отамни оғизга олишим билан ҳамма

бир-бирига қарай бошлади. Бошида
кундуз телпак, белида Самарқанддан
олиб келган дандон сопли пичоқ осил-
ган етти қават белбоғ, амиркон этик
кийиб юрадиган чавандоз отамдан бо-
лалар у ёқда турсин, катталар ҳам ҳай-
иқар эди. Илонни қўйиб юбордик.

Аммо шу билан иш тугамади. Бозор
куни ток орасида қўйларга ўт ўриб юр-
сам, ўртоғим Тўлқин югуриб кирди:
илон ёқимшоқда! Катта йўлга чопқил-
лаб чиқдик. Ҳовузнинг зийидаги супа
ёнида йигирма-ўттиз чоғли бола давра
қуриб турибди. Ўртада гулхан устида
шоҳга бойланган илон! Олов жизилла-
тиб куйдираётган жонивор талвасада
ўзини у ёқ-бу ёққа отарди, бироқ куч-
дан қолганидан ҳаракатлари заиф,
қўрқувдан кўзлари косасидан чиқиб
кетганди. Терининг куйигидан ҳаво са-
сиб кетган. Бироқ болалар сассик,
иссиқ каби тушунчаларга, кўз кўриб,
қулоқ эшитмаган азоб билан ўлаётган
илоннинг аҳволига парвойи фалак. Даҳ-
шатли саҳнадан кувониб, ҳузур қилар
эдилар. Умаркул худди тилла топиб ол-
гандек қичқирди:

— Қаранглар, илоннинг оёғи бор
экан!

Илоннинг оёғи бўлиши менга ҳам
қулоқ эшитмаган янгилик эди. Ўғири-
либ, разм солиб қарасам, ҳақиқатан ҳам
илоннинг оппоқ қорнида аниқ кўриниб

турган бир талай туклар ҳолсиз майда
оёқчалардек қимир-қимир этарди. Бо-
лалар эса «ана оёғи, оёғи, кўрапсан-
ми?» деб бирваракайига бақиршар
эди. Йиғилганлар илоннинг оёғини
кўрганидан шод, уни куйдириб ўлдир-
ётганидан мағрур.

Болаларни туртиб-суртиб ўртага
отилдим. Гулхан устидаги илон бойлан-
ган шохни олиб даврандан чиқдим-да,
илонни бўшатиб юбордим, бироқ у
қимирламасди, ўлиб қолганди. Илон-
нинг думидан ушлаб уйга кетдим. Бо-
лалар орқамдан қараб қолишди.

Орадан анча вақт ўтди. Кун исиган-
дан исимоқда. Молларимизни подадан
ажратиб, уй-уйимизга тарқалаётгандик.
Катта шохни синиб тушган ёнғоқ тараф-
дан кимнингдир жон ҳолатда қичқирган
эшитилди. Қичқариқ шунчалик куч-
ли эдики, «бир нараса бўлганга ўхшай-
ди» деган ўйда орқамга қараб югурдим.

Ёнғоқнинг тагида атрофини болалар
куршаб олган Умаркул тупроққа бела-
ниб, бўкириб ётарди. Қора терга тушган,
юзлари сийёҳранг тус олган, кўзлари
бежо, ҳаракатлари ихтиёрсиз эди. Уни
илон чаққанини эшитган болалар кўрққа-
нидан дами ичига тушиб, нима қилиши-
ни билмай каловланишарди. Ёши катта
болалардан бири чўпоникига, яна ким-
дир Умаркулларникога чопиб кетди...

Муҳиддин ПОЛВОН

Ахборот хуружи

XX асрнинг иккинчи ярми ахборот-технологияларининг шиддатли ривожланиш даври бўлди. Бугунги кунда бу ижтимоий ҳодиса яна ҳам кескин намоён бўлмоқда. Шундай шароитда Президентимиз Ислон Каримовнинг «Фикрга қарши фикр, гоёга қарши гоё, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш мумкин» деган гоёси илгари сурилган бўлиб, унинг ижроси юзлаб газета-журнал, ўнлаб теле ва радиоканаллар орқали таъминланаяпти. Ахборот соҳасининг бундай тезликда ривожланиши, жамият ва давлат ҳаётида кенг қўлланилиши XXI асрда инсоният тараққиёти-ни белгилайдиган муҳим омиллардан бири бўлиши мумкин.

Инсоният ахборот оқими тобора тезлашган, аҳолининг кайфиятини, бутун тафаккур тарзини ўзгартиришга қодир бўлган ахборот технологияси вужудга келган бир даврда яшамоқда. Бу эса ҳозирги замон цивилизациясининг ўзига хос ютуғи, яъни халқлар, мамлакатларнинг ўзаро муносабатларини яхшилашга, жаҳон ижтимоий-сиёсий жараёнларини бошқаришга, дунёвий руҳият ва маслакнинг вужудга келишига хизмат қиладиган мўжизакор ҳодисадир.

Юртимизда соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, ёшларнинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариши, уларни XXI аср талаблари га тўлиқ жавоб берадиган, ҳар томонлама ривожланган шахс этиб вояга етказиш учун шароит яратиш бўйича кенг кўламли чоратadbирларни амалга ошириш мақсадида, мамлакатимизда 2010 йил «Баркамол авлод йили» деб эълон қилинди.

Ахборот асрида оммавий ахборот воситаларида ва телерадиоканалларда инсонларварлик гоёларини теран англайдиган, истеъдодли ижодкорлар жамланиши керак. Бироқ цивилизациянинг ана шундай улкан, кенг миқёсли ютуғидан ким қандай мақсадда фойдаланаяпти?

Ёшлар онгига таъсир этаётган ёт гоёларга қарши ҳимоя воситаларини ўйлаб чиқишдан аввал ёшларнинг ижтимоий хулқ-атворини ўрганиш лозим. Психологик ҳимоя шахсни турли салбий таъсирлардан асрашга, психологик беқарорликни бартараф этишга хизмат қилади. Шундай ҳолатларда одам одатда шахслараро муносабатларда ўзини бошқачароқ тутадиган бўлиб қолади.

Юқоридагиларни инобатга олиб, эътироф этиш керакки, бундай ҳолат нафақат алоҳида бир шахснинг психологик хусусиятини, балки ўз йўналишида кичик гуруҳ, катта гуруҳ, жамоа ва охир-оқибатда жамиятни ҳам қамраб олиши мумкин. Шундай экан, ушбу масала ўзига хос илмий ёндашувни талаб этади. Жумладан, психология фанида юқоридаги ҳолатларни тавсифловчи бир қатор илмий тушунчалар мавжуд, улар қаторига манипуляция, антиманипулятив хулқ, асертив хулқ, коппинг хулқ, руҳий мувозанат, йўналтирилганлик, ахборот континиуми, психологик ҳимоя кабиларни киритиш мумкин.

Психологик ҳимоя механизмлари турлича ҳаётий воқеаларнинг таъсирида

шаклланиб, уларнинг характерини инобатга олиб, шартли равишда қуйидагиларга бўлинади:

— очиқ ҳис-кечинмаларни босиш, кўрсатмасликка уриниш;

— рад этиш, яъни номаълум маълумотни очиқ рад этиш;

— проекция — ўзидаги ҳиссиёт ва кечинмаларни ташқи объектларга кўчириш орқали пайдо бўлган ҳолатнинг сабабларини ташқаридан қидиришга мойиллик;

— идентификация — ўзини ахборот эгасига ўхшатиш, унинг ўрнига ўзини қўйиш, ахборот орқали қадриятларни рад этиш ёки танқидсиз ўзлаштириш;

— регрессия — илгари ҳаётида, масалан, ёшлигида бўлиб ўтган қайсидир воқеаларга қайтиш, уларнинг яхши ва маъқулларини яна хотирада тиклаш ва хулққа қайтариш орқали ўзида психологик ҳимоя ёки оқловни гавдалантириш;

— ёлғизланиш — жамиятдан ўзини олиб қочиш, ўзидаги ўзгаришларни бошқаларга билдирмасликка интилиш (масалан, айрим талабалар ўқишга бормай қўядилар);

— рационализация — мулоҳаза ва фикр юритиш орқали ўзида ҳимоя инстинктини пайдо этиш;

— конверсия — мулоқотдаги қандайдир тўсиқларни олиб ташлаш учун кутилмаган усулларни қўллаш, масалан, хавотирли информацияни муттойба билан алмаштириш.

Бундан ташқари, таъкидлаш лозимки, ҳар қандай ҳолат ёки ҳодиса аниқ бир муҳит доирасида вужудга келиб, унинг иштирокчиси бўлган инсон ўша ҳолат ёки ҳодисани ўзича шарҳлайдики, бунинг замирида аниқ бир шахснинг психологик хусусиятлари мавжуддир. Масалага шахс хавфсизлигини таъминлаш нуқтаи назаридан ёндашсак, бунда хавф (реал ва эҳтимолли) омили алоҳида таъсир кўрсатишини кузатиш қийин эмас. Мазкур жараёнда инсоннинг интеллектуал ва эмоционал идроки хавфли вазиятни таъсир кўрсатиш мазмунига кўра баҳолашда алоҳида ўрин тутати.

Агар билиш жараёнларининг бири бўлган диққат яхши шаклланимаган бўлса, у одам ташқи таъсирларга берилувчан бўлиши кузатилади. Диққатли одам кузатувчанлиги билан ажралиб туради, атрофдаги нарсаларни тўлиқ ва аниқ қабул эта олади, бундай хусусиятга эга бўлмаган одамга нисбатан анча муваффақиятли таълим олади ва ижод этади.

Мақтаб таълимида ҳам ўқувчиларнинг диққатини ривожлантириш, уларда ёт гоё ва фикрларга қарши иммунитетни шакллантириш учун синф раҳбарлари ва мактаб жамоаси кўп ишларни амалга ошириши зарур бўлади.

Олий ўқув юрларида ёшларни турли ташқи таъсирлардан ҳимоя қилиш ва эҳтиёт бўлишга чорлаш факултетлар, институт ёки университет жамоаси, жамоат бирлашмалари зиммасидадир. Чунки шу даврда инсон янгиликка ўч бўлади. Айнан шунинг учун талабаларик ёшидаги инсонга ота-онаси, ёрдўстлари, ўқитувчилар катта эътибор қаратиб, у билан тез-тез суҳбатлар қуриб, уни нималар қизиқтиради, қандай ишлар билан машғул, бўш вақтини қандай ўтказаяпти — қизиқиб туриш керак. Бу уларда ёт гоёларга қарши ўзига хос иммунитетни шакллантиришга замин яратади, тафаккурини ривожлантиришга хизмат қилади.

Эркин АЗИМБОВ,
тадқиқотчи

Яқинда «Ғарб оламидаги ахлоқий муаммолар» номли бир рисолада ўқиб қолдим: «Борди-ю Ғарб кишига бирор нарса ҳақида маслаҳат берсангиз, уларнинг аксарияти тутаклиб, «Менга маслаҳат беришга қандай журъат этдингиз?!», дея ўзларини юқори тута бошлайди. Ғарбликларнинг фикрича, бировга бегараз маслаҳат бериш ҳам унинг шахсий ишига аралашиб ҳисобланади». Дарҳақиқат, улар учун қонун билан тартибга солинувчи омилларгина муҳим ҳаёт йўли саналади.

Ғарбга таклиф

ўринлими?



Ҳолбуки, Шарқ қадриятларига кўра, бировга холис маслаҳат бериш инсонийлик белгисидир. Тўй-маъракалар, албатта, дўст-биродарлар, кайвонилар маслаҳати билан ўтказилиши бежиз эмас. Бундай холис хизмат замирида ҳеч қандай манфаатнинг йўқлиги ғарбликларни ажаблантириши табиий. Бироқ ғарбона одат ва ахлоқ шарқона одоб ҳамда удумларга қандай таъсир этади? Шу ўринда Ғарб оламига хос дўстлик ва оила қуриш учун жуфт танлаш муносабатларини мисол келтирсак.

Ҳар бир жамиятда оила муқаддас саналади. Шу боис уни шакллантиришнинг турлича йўлларида фойдаланишади. Ғарбона одоб-ахлоқ нуқтаи назаридан олиб қарайдиган бўлсак, йигит ва қиз бир-бирини никоҳгача йиллар давомида синаб, бирга яшашади. Ўзаро тушуниш ҳисси бир-бирига мос бўлсагина, севишиб турмуш қуриш сифатида талқин этиб, буни никоҳ билан мустаҳкамлайди. Шунингдек, бу уриниш атрофдагилар учун ҳеч қандай нотўғри муносабатни шакллантирмайди ҳам. Йигит ва қиз ўртасидаги муносабат аксинча бўлса-чи?.. Ажралиб бошқа ишончли жуфт танлашга ҳаракат қилишади.

Бу шарқона одатга кўра бутунлай одоб доирасига тўғри келмайдиган, инсонийликдан йироқ ҳол сифатида баҳоланади. Дарҳақиқат, бугун Шарқ ахлоқий маданиятига ҳавас қилмайдиган халқ бўлмаса керак. Пок севги ҳамиша ҳаё ва ифбатга асосланади. Бу борада аждодларимиз ўғитлари одоб-ахлоқ тушунчаларининг комиллик даражасига кўтарилишига асос бўлган.

...Ботир дўст тушунчасини улуғ санайди. Фабрикада бирга ишлайдиган дўсти Авазнинг кайфияти орқали унинг ичидан нима ўтаётганини ҳис қилди. Уни тамадди қилиш учун ошхонага таклиф этди. Дўстлар анча суҳбатлашиб бир-бирига далда бўлишди. Ўзбекона лутф билан айтганда, Ботир дўстини ҳамиша бир пиёла чой билан сийлашни хуш кўрарди. Бу унга сира малол келмаган. Бу орада Аваз бир йил малака ошириш учун Германияга жўнаб кетди. Муддат тамом бўлгач, қайтиши муносабати билан дўсти Ботирни кўярда-қўймай нуфузли тамаддихоналардан бирига олиб кетди. Дўстлар бирга ўтган кунлар ва режалар хусусида анча гаплашишди. Зиёфат сўнггида официант чақирилиб ҳисоб сўралди.

Қирқ минг сўм, ўн фоиз хизмат ҳақи билан қирқ тўрт минг сўм бўлди.

Бугун Аваз чўнтак кавлади, Ботир эмас. «Хўш, қирқ тўрт минг. Немецкий расчёт (немисча ҳисоб)», дея йигирма икки минг сўм ташлаб, туриб кетди.

Ботир ёнида етарли пули бўлмаса-да, бу ҳолатдан ҳайратда қолиб, дўстидан қарз сўрашга йиманди. Гаровга мобил телефонини бериб, чиқиб кетди.

Ҳақиқатан ҳам Ғарбда бу дўстликнинг бекусур тенгхуқуқлилик белгиси сифатида баҳоланар, аммо шарқона одобга кўра вазият ҳисобга олинса, худбинлик саналади.

Ҳозир Ғарб таъсирига тушиб, оила, дўстлик ва бошқа тушунчаларни нотўғри талқин этиб, улуғ кишиларнинг насихат ва маслаҳатларидан қочаётган ёшлар кўплаб топилди. Ғарбда ҳамиша катта ҳарф билан келувчи «I», яъни «мен» тушунчаси оқибатида «фақат мен» деган характер шаклланиб бўлса, Шарқда «менга нима» тарзида тушунилмақда. Бу шарқона одоб-ахлоқ меъёрларининг бузилишига олиб келмайди деб ким кафолат бера олади?

Абдулазиз РУСТАМОВ

Кадрли «Ishonch» газетаси тахририяти!

Шу йил 18 февралда чоп этилган «Бу одамни танийсиз...» сарлавҳали мақолани хаяжон билан ўқирканман, беихтиёр кўз ўнгимдан ўспиринлик йилларим бирма-бир ўтаверди. Негаки, унда ҳамқишлоғим, катта матонат ва иқтидор эгаси Саидолим Пирмухаммедов номи ҳам тилга олинган эди. Ана шу инсон ҳақидаги хотираларимни ёзиш истаги пайдо бўлиб, қўлимга қалам олдим.

Тақдир ҳазилини қарангки, Саидолим ўқувчилик кезлари менингит касалига чалиниб, бир қанча муддат турли шифохона ва санаторийларда даволанишига тўғри келди. У болалик чоғларидаёқ мусавир бўлишни дилига тугиб, мўйқалам усталарининг асарларини диққат билан кузатар, ўзи ҳам суратлар чизарди. Ўн тўрт яшар ўспириннинг орзулари бир олам эди.

...У ҳамиша ишдан бош кўтарганда оғир хўрсиниб кўярди. Чизаётган суратида аксарият ҳолларда ёш, қувноқ болалар акс этарди. Гўё бола куш каби парвоз қилгиси, баланд тоғлар ошгиси, узокларга елиб-югуриб чопгиси келгандек олдинга талпиниб турарди. Ўшанда у чизган суратга боқарканман, ҳайратланардим. Чунки унинг суратлар устида ишлаши осон кечмасди-да. Унинг ҳаёти бир маромда кечмас, кун бўйи каравотда михлангандек ўтирар, узун тунлари қўл-оёғи ва аъзои бадани зирқираб оғрирди.

Кўёш бўй кўрсатганда турмуш ташвишлари билан куймаланиб юрган Зайфин хола нуридийдасини эҳтиётлаб ўрнидан турғазарди. Хона ҳавосини янгилаш учун деразани ланг очиб кўярди. Болакай тоза ҳаводан нафас оларкан, кўнглидаги губорлар бироз тарқалгандай узок-узокларда ястаниб ётган қорли чўққиларга кўз югуртирарди. Уларга ўз оёғи билан чиқишни орзу қиларди.

Ўша кезлари Самарқанд Давлат университетининг чет тиллар факултетидан таҳсил олардим. Ҳар якшанба қишлоққа қайтганимда дўкондан Саидолим учун янги чиққан китобларни харид қилиб, унинг олдида ошиқардим. У мени очиқ чеҳра билан қарши оларди. Каравотга ёпиштириб қўйилган стол устида ҳамиша турли шакл, чизма ва хомаки сурат нусхалари турарди. Ўспирин кроссворд, криптограмма, чайнворд, ребус каби бошқотирмалар билан машғул бўлар,

Ҳаётга муҳаббат

қатор йиллардан бери улар республика газета ва журналларида ёритиб борилаётганидан хабардор эдим. Шахсий кутубхонасида икки мингдан зиёд китоб бўлиб, ҳамқишлоқлар ҳам ундан фойдаланарди. Китобхонларнинг касб-кори, ёши турлича бўлса-да, у билан ҳамкорликни узмасдилар. Саидолим бошқотирмалар тузиш учун кўплаб китобларни ўқиб-ўрганишдан эринмасди.

У тунлари дарддан азоб чекиб уйкуси келмаганда ҳайкалчалар ясарди. Болаларга ўзи ясаган бюст ва ҳайкалчаларни совға қилишни ёқтирарди. Санъат даражасидаги ўнта ҳайкалчасини ҳеч кимга ишонмай асрарди. Улар нафис ишланган бўлиб, бир мақсадга йўналтирилган. Лойда акс этган маънони тўлароқ ифодалашга, ишонарли қиёфалар беришга ҳаракат қилганлиги сезилиб турарди. Бир сўз билан айтганда, бу ўспириннинг яшашга чанқоқлик тимсоли эди.

Вақт жуда тезкор. Саидолим орзулари бир олам ўспиринлик дамлари билан жуда эрта хайрлашди. Каравотда ўтирганча радио тинглар, китоб ўқир, тасвирий санъат асарлари устида ишлаб, куннинг қандай кеч бўлганини сезмасди. Лекин сўнги кунларда қўл-оёқлари унча ҳаракатланмай унга кўп ташвиш келтира бошлади. Айниқса, она назоратсиз хонада ёлғиз қолган пайтлари ўзини дор устидаги дорбоздек ҳис этарди. Озгина ортиқча ҳаракат ҳам кўнглисизликка олиб келиши мумкин эди. Бундай ҳолатлар рўй берганда каравотдан йиқилиб қўл-оёқлари лат ер ва иситмаси кўтарилиб, ҳафталаб

тўшакда ётиб қоларди. Лекин узлуксиз давом этаётган ҳасталикдан нолимас, шунга яраша сабр-тоқатли эди. У соғайгач яна мўлжалидаги ишларни уйдлаш учун ҳисоб-китоб қиларкан, иштиёқини бир дам ҳам сусайтирмасди.

Тоғ оралиғидаги мўъжазгина уйча кўп қатори оддий қурилган бўлиб, унга бориладиган йўлақларга шағал ётқизилганди. Бу хонадонга келиб-кетувчиларнинг қадами узилмасди. Айниқса, Фаллаорол туманидаги 10-мактаб педагог ва ўқувчилари Саидолимдан тез-тез хабар олиб, фанларни ўзлаштиришига ёрдам беришарди. Кўниқўшни ва яқин дўстлари ҳам уни ёлғизлатмай, ҳам маънавий, ҳам моддий томондан кўмаклашишарди.

Тошкент давлат университети шарқшунослик факултети тўртинчи босқич талабаларининг бир гуруҳи унинг хонадонига ташриф буургани кечагидек эсимда. Улар Саидолимнинг билимга, нурга бўлган интилишини ҳисобга олиб, ўзлари билан В.Сегалнинг «Араб тилининг бошланғич курси» дарслиги ва бир қанча қўлланмаларни олиб келишганди. Кетар чоғида бундан кейин ҳам ёрдамларини аямасликларини ва факултет талабалари бу борада бир қарорга келганини маълум қилишади. Дарвоқе, Саидолим ўшанда университетнинг шарқшунослик факултети 3-босқичида сиртдан таҳсил олар ва талабалар билан алоқани узмасди. Топшириқ, кўрсатма ва курс ишлари почта орқали бандерол билан



Архив

жўнатилади.

«Гулхан» журналининг 1969 йилги 5-сонидан чоп этилган «Матонат» сарлавҳали мақолада Саидолимнинг тўшакда ётиб қолишига қарамай ўрта мактабни тамомлаб, университетда сиртдан ўқиётганлиги, ажойиб сурат ва бошқотирмалар чиза олиши ҳамда араб тилини пухта ўрганиб олганлиги ҳақида ҳикоя қилинганди. Шунингдек, Жиззахда ўтказилган ёш рассомлар фестивалида «Менинг болалигим», «Қишлоқ табиати», «Бизнинг маҳалла» каби суратлари юқори баҳоланади. Шу-шу, унга республикамизнинг турли бурчакларидан мактублар кела бошлади. Табиийки, хатлар уни тўлқинлантирмай қолмас, уларнинг ҳар бирига жавоб қайтаришга вақт толарди. Бора-бора унинг ҳаёти дўстлик ва ҳамкорлик ришталари билан боғланиб қолди. Қуйида битта мактубга эътиборингизни қаратмоқчимиз:

«Ассалому алайкум, Саидолим ака! Сиз бу хатни ким ёзаётган экан деб ўйлаётгандирсиз. Мен Янгикўрғон туманидаги Нанай қишлоғида ўн йилдан бери ишга яроқсиз бўлиб уйда ўтираман. Дастлаб оёғим оғриб, ревматизмга йўлиқдим. Касалхонада ва санаторийларда даволандим. Ўйланавериб қон босими касалини ҳам орттирдим. Бекорчилик ҳар хил хаёлларга олиб бораркан. Шундай бўлмағур хаёллар билан ўтирганимда республика радиосида сиз ҳақингизда эшиттириш бериб қолишди. Сизнинг мустаҳкам иродангиз, ҳаётга бўлган муҳаббатингиз ва илм

ўрганишдаги иштиёқингиз мени мафтун қилди. Ҳозир кечки мактабда ўқий бошладим. Бирор касб эгаси бўлишни ҳам мақсад қилиб қўйдим. Бунинг учун сиздан миннатдорман. Ҳурмат билан А.Ҳасанов. 1970 йил 17 феврал».

Ҳа, Саидолим ҳар доим кўнгли билан яшашни ҳаётнинг маъноси деб тушунарди. Сўнги кунларда оғир ҳасталик, уйкусизлик ва сирли кўрқув унга тинчлик бермай қўйди. Аҳволи танг бўлиб қолганда ҳам тушқунликка тушмади. Аммо бу ҳали бошланиши эди. Охири оғир ҳасталик хуруж қилиб, юракка таъсир эта бошлади.

Саидолим ака сўнги нафасига ҳаётга чексиз муҳаббат ва умид билан яшади. Афсус, ўлими олдида мени икки марта йўқлаган экан. Университетни тамомлайдиган кезларим диплом иши билан бўлиб вақтида хабар ололмаганлигимдан пушаймондаман. Бу хатом учун ўзимни ҳеч қачон кечиролмайман. Ўша кезлари «Гулхан» журнали ва ҳозирги «Тонг юлдузи» газетаси тахририятлари Саидолимнинг ота-онаси ва яқинларига ҳамдардик билдириб, таъзия изҳор этишганди.

Фаллаорол туманидаги Ўгат қишлоғида туғилиб вояга етган Саидолим Пирмухаммедовнинг ўттиз йиллик қисқа ҳаёт йўли атрофимизда учраб турадиган айрим локайд, танбал, ҳаётга енгил муносабатда бўлган ёшларга ибрат бўлса ажаб эмас.

Абдулла САИДОВ
Суратда: С.Пирмухаммедов онаси билан.

Ибратнома

Садоқат куйини чалиб...



«Мен мусиқани шу даражада яхши кўраманки, ҳатто ижодий ишим ҳам мусиқа садолари остида бажарилади. Мен и м ч а ,

ёқимли мусиқа ишга халал бермайди, аксинча, кишига завқ бағишлаб, руҳини кўтарди». Аллома Қориниёзий таърифлаган рангин дунёга Ҳотам Рихсиев ҳам ёшлигидан ошно бўлиб улгурганди. Тоғалари Абдурахим Абдуллаев (шоир Файратий) ва Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи Анвар Абдуллаев билан Тошкентнинг Дегрез маҳалласидаги ҳовлида бирга вояга етган Ҳотам ака болалигини шундай эслайди:

— Ўша йиллари Лабзак кўчасидаги шаҳар ўқувчилар саройида тоғам Файратий ва Ўзбекистон халқ артисти Наби Ҳасанов бошқарган адабиёт тўғрагида мен қашқар рубоби ҳамда най чалишни ўргандим. Тўғаракка Наби

аканинг ўғли Телман Ҳасанов ҳам қатнашарди. Мусиқага қизиқишим туфайли устозларим Мирза Тоиров ҳамда Абдурахим Маликов раҳбарлигида 1957 йили Р.Глиэр номидаги республика мусиқа мактабининг най синфини тугатгач, кўп йиллар турли ташкилот ва ўқув муассасаларида меҳнат қилдим.

1976 йили Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтининг мусиқа ва педагогика бўлимига ўқишга кириб, 1981 йили муваффақиятли тугатдим. Шундан буён ижод билан шуғулланиб, най учун куйлар яратмоқдаман...

Ҳотам ака ҳозир 70 ёшда. Узок йиллар болаларга мусиқадан сабоқ берган бу инсон 2004 йили Ўзбекистон халқ артисти Ҳалимжон Жўраев билан

ҳамкорликда «Ёш найчи» қўлланмасини яратди. Шу кунларда эса профессор Анвар Лутфуллаев билан бирга тайёрлаган «Най учун хрестоматия» қўлланмасини чоп эттириш арафасида. Унга Ҳотам аканинг 130 та асари ҳам киритилган. Булар орасида сонатина, импровизация, экспромт, ноктюрн, ўзбекча интермеццо, менуэт, скерцо, ўзбекча марш каби мусиқа асарлари бор.

Ҳотам ака Тошкентдаги етти йиллик мусиқа мактабида йигирма йил дарс берди. Ҳозир пенсияда, лекин ижод билан тинимсиз шуғулланиб келмоқда.

Ҳотам аканинг сабр-бардошини ҳам кўпчиликка ўрнак қилиб кўрсатиш мумкин. Турмуш ўртоғи Моҳира опа билан узок йиллар тинч-тотув турмуш кечи-

ришди. Оила бекаси педагогика университетининг кутубхоначилик ва библиография бўлимини тугатган, эрининг касбини ҳурмат қиларди. Куйилмаганда ҳаёт уларни оғир синовларга рўпара қилди. Шифокорлар Моҳира опага қандли диабет ҳасталигининг оғир шакли деб ташхис қўйишди. Қарийб етти йилдан бери опанинг ўнг қўли, ўнг оёғи ишламайди, гапиролмайди...

Ҳотам ака ўтган йиллар давомида жуфти ҳалолига садоқатини исботлай олди. Моҳира опани авайлаб парвариш қилиб келмоқда. Зерикса мусиқа чалиб беради. Ишқилиб, ҳамиша унинг дардини енгиллатиш пайида бўлади. Бир қарашда ҳар бир инсоннинг зиммасидаги бурчдек туюлса-да, уни бажариш ҳаммининг ҳам қўлидан келавермайди. Ҳотам ака хонадонига бориб, Моҳира опанинг аҳволини ўз кўзим билан кўргач, мусиқани севган инсоннинг қалби гўзал бўлишига яна бир карра иймон келтирдим.

Назира БОЙМУРОДОВА

**«ДЭУ ТЕКСТИЛ БУХОРО» ХОРИЖИЙ КОМПАНИЯ
МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТ
МАЪМУРИЯТИ ВА КАСАБА УЮШМА ҚЎМИТАСИ**

Гўзаллик ва нафосат байрами — Наврўзи олам билан
мамлакатимиз аҳолиси ҳамда хорижий меҳмонларни муборакбод этади.
Наврўз ҳар бир жамоага, ҳар бир хонадонга файзу барака, бахту иқбол олиб кирсин!

Ўтган йили фаолиятини бошлаган мазкур хорижий компания корхонасида 800 нафардан ортиқ ишчи-мутахассис меҳнат қилмоқда. Жамоанинг 85 фоизини ёшлар ташкил қилади. Замонавий лойиҳалар асосида бунёд этилган корхонада Швейцариянинг юқори унумли «Ритер» русумли дастгоҳлар ўрнатилган. Уларда ишлаб чиқарилаётган ип калавалар хорижга экспорт қилинмоқда.

Корхона маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси ишчи-ходимларга алоҳида ғамхўрлик кўрсатмоқда. Жамоа аъзоларига бепул транспорт хиз-

мати кўрсатилади. 3 маҳал бепул овқат берилди. Ходимлар саломатлиги мунтазам назорат остида. Кечки сменада ишлайдиганларга икки баъравар иш ҳақи тўланади. Сменалар ўртасидаги мусобақа голибларига ҳар ойда 400 минг сўмгача мукофот берилади. Корхона ёш мутахассисларидан бир гуруҳи Швейцарияда малака ошириб келди.

— Ғалдаги режаларимизда жамоа аъзоларини ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ҳимоялашга янада эътибор кучайтирилади. — дейди корхона касаба уюшма қўмитаси раиси Воҳида Ҳамроева.

**Ўзбекистон ёқилғи-энергетика комплекси, кимё саноати
ва геология ходимлари касаба уюшмаси Марказий
кенгашининг Сурхондарё вилоятидаги вакиллиги**

Барча гурҳдошлар ва соҳа ходимларини
уйғониш, яшартиш, янгиликларни ва ораҳ-
умидлар рамзи — Наврўзе билан самимий
қутлайди.

**Ҳар бир оилата
тинчлик,
қолтиржамлик,
сиҳат-саломатлик,
бахт-саodat
тилайди!**



СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ ФАРҒОНА ВИЛОЯТ КЕНГАШИ

Тармоқ ходимлари ва барча
юртдошларни миллий қадриятларимиз
тимсоли бўлган Наврӯз байрами билан
чин дилдан қутлайди.

Хонадонингизга тинчлик-
хотиржамлик, дастурхонингизга
тўкинлик тилайди.

Эл саломатлиги йўлида
қилаётган ишларингизда
муваффақиятлар ёр
бўлсин!



ФАРҒОНА ВИЛОЯТ КАСАБА УЮШМАСИ ТАШКИЛОТЛАРИ БИРЛАШМАСИ КЕНГАШИ

**Наврўзи олам билан
ватандошларимизни қутлайди.
Баҳор олиб келаётган қувончлар
бардавом бўлсин. Хонадонлардан
тўкинлик аримасин!**

Ўтган йили кенгаш томонидан янги иш ўринларини ташкил этиш, иш ҳақидан қарздорликни бартараф этиш, меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоя қилиш, ҳуқуқларини муҳофаза қилиш бўйича кўплаб ишлар қилинди. Масалан, Фарғона вилоят ҳокимлиги ва тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда 3872 та касаначилик асосида иш ўринлари ташкил этилди. Паррандачилик, асала-

ричилик, балиқчилик бўйича эса 15 минг 562 та янги иш ўринлари яратилди. Уларнинг бари касабаси уюшма сафига қабул қилинди.

Жамоа шартномалари асосида 15 минг 289 нафар кам таъминланган оилага моддий ёрдам кўрсатилди. Вилоят касб-хунар коллежларида таҳсил олаётган 52 нафар кам таъминланган, кўп болали оилаларнинг иқтидорли фарзандлари учун касабаси уюш-

малари стипендиялари ташкил этилди.

Ёзги соғломлаштириш мавсумида 12 минг нафардан зиёд қишлоқ болалари оромгоҳларда дам олдирилди. Шуларнинг 1192 нафари касабаси уюшмалари маблағлари ҳисобидан бепул соғломлаштирилди. Қишлоқлардаги корхона, ташкилот, хўжаликларда меҳнат қилаётган аҳолининг 450 нафари имтиёзли йўлланмалар билан таъминланди.

«Оҳангаронцементи» корхонаси маъмурияти ва касабаси уюшма кўмитаси

*Соҳа ходимлари ва юртимиз
фуқароларини кўклам байрами
билан ўзин қалбдан
муборақбод этади.*

*Наврўз барғанниза омад ва
муваффақият олиб келсин!*

— **Шафоат ака, Сурхондарё улуг донишмандларга бешик бўлган замин. Унинг ҳар қарич ерида буюк аждодларимиз қалб ҳароратини, изини ҳис қиласан киши. Сўхбатимизни воҳанинг ўзига хос маданиятидан бошлашасан.**

— Ватанимиз инсониятнинг ибтидосидан Уйғониш давригача, ундан бугунги глобаллашув онларигача дунё аҳамиятига молик тарих, маданият ва маънавият бешиги ҳисобланган. Сурхондарё унинг бетакрор бир ҳудуди.

Инсониятнинг жамики ўзлиги Ер сайёраси шимолий ярим шарининг йигирманчи ва эллингинчи параллеллари ораллигидаги минтақаларда яратилган: бу Марказий Осиё, Шимолий Ҳиндистон, Хитой, Япония, Шимолий Африка, Жанубий Европа ҳамда Марказий Америка минтақаларидир. Буюк йўлбошчилар, саркардалар, пайғамбарлар ҳам шу минтақаларда туғилди. Инсониятнинг ана шу тадрижий комиллик минтақалари марказида бетакрор ва жаннатмакон Ўзбекистон борлигидан гурурланамиз. Азалдан то ҳануз маданияти ва маънавияти билан бутун инсоният шаънини юксалтириб келаётган халқимиз билан фахрланамиз.

Сурхондарё мамлакатимиз-

борини тортиши мумкин. Тахаллус хусусида қомусларда куйидагича изоҳ берилган. Тахаллус сўзининг арабчадан айнан таржумаси «халос бўлиш» «қутулиш» дир. Ёзувчи, шоир, олим, санъаткор, сиёсий арбоблар ўз исми-ни ёки бошқа бирор сўзни ўзига қўшимча ном — тахаллус сифатида қўллаши мумкин. Тахаллусни ҳар бир муаллиф ҳар хил мақсад учун қўлайди. Масалан, кимлардир бир вақтлар цензурадан яшириниб юриш, баъзилар ўз ижодини омма ўртасида таъкидлаб кўрсатиш, бошқа бирови ўз исм-фамилиясидан қониқмагани учун ишлатган. Тахаллус муаллифнинг қисмати, орзу-истаклари, машғулоти, бирор сўзга

ши тарихда бор гап.

Мен ҳам Термизда туриб гап айтдим. Сурхондарёни оралаб сўз сараладим. Тизимли, қофияли гап айтдим. Одамлар гапимни эшитди. Тўйбошилар менинг гапимни айтадиган бўлишди. Хофизлар менинг гапим билан муножот қилишди. Шунда мен ўзимни тоғанимга, эл мени тоғанига ишондим. Қирқ ёшгача шундай юра бердим. Қирқ ёшимда илк китобим чиқди. Қирқ ёшимда Зулфия опа ва Эркин Воҳидов Сурхондарёга келиб, мени Ёзувчилар уюшмасига қабул қилиб кетишди. Ҳақ гапни айтавер дейишди. 1990 йилнинг бошларида имом Термизийнинг 1200 йиллик юбилейи

Сўхбатдош ҳақида:
Шафоат Раҳматуллаев 1942 йили Шеробод туманида туғилган. Тошкент давлат консерваториясини битирган. Термиз давлат университети доценти, мусика таълимидан сабоқ беради. «Жануб шамоли», «Умид остонаси», «Гулоб» каби шеърӣ тўпламлари ҳамда «Озод сўз» номли сайланмаси чоп этилган. «Шўхрат» медали, «Эл-юрт ҳурмати» ордени соҳиби.

ота, «Ёдгор» — Алпомишнинг катта ўғли, «Алпонбек» — Алпомишнинг ўртанча ўғли, «Хўрсун» — Алпомишнинг кенжа кизи, «Қўнғирот» — Алпомишнинг қай-

да эмас, ёзганларини китоб қилиб чиқаришга монелик қилдиган тўсиқлар: биринчи пулсизликдан, айрим ҳолларда таъқиқлардан қийналган. Бу ҳар бир ҳақиқий истеъдод бошида бор, гоҳ енгил, гоҳ оғир кечадиган қувонч, қайғули қисмат.

Ҳозир эса доруломон замон. Мамлакатимизда хунармандчилик, фольклор санъати қандай гуркираб ривожланиб кетган бўлса, халқнинг адабий ижодкорлиги ҳам улардан кўра кўпроқ илгарилаб кетди. Ижодкорлар бепоён имконият оғушида. Сурхондарёда Ёзувчилар уюшмасининг 16 та аъзоси бор. Уларнинг 10 нафари пенсия ёшидан ошган. Қолганлари ҳам пенсия ёши остонасида турибди. Уларнинг бари баҳоли кудрат ижод қилиб келаяпти. Шеърӣ, насрий, публицистик ва адабиётшуносликка оид қатор китоблар чиқаришган. Уюшмага аъзо бўлмаган, эл-юртга танилган ижодкорлар,



«Сурхондарё —

ВАТАННИНГ ҲАЙРАТ ВОДИЙСИ...»

нинг жанубидаги жавоҳир, Термиз эса қадимий ва навқирон шаҳарлардан бири. Гуллаб-яшнаётган бу воҳа ҳақида гап кетса, тарихчилар ифтихор билан «Сурхондарё — жаҳон археологларининг Маккаси» деган иборани қўллашади. Нега десангиз, воҳада Ер сайёраси бошидан кечирган даврлар, инсоният босиб ўтган барча тарихий босқичларнинг ёрқин излари мавжуд. Биз Истиклолдан кейин аждодлар қолдирган жамийки моддий ва маънавий бойликларнинг эгаси бўлиб қолдик. Айниқса, Президентимизнинг саъй-ҳаракати билан улуг алломалар ҳамда қадимий шаҳарларимизнинг юбилейлари жаҳон миқёсида нишонланган дамлар мустақиллик нақадар буюк бахт эканлигини, уни кўз қорачиғидай асраш кераклигини англаб етдик. Сурхондарёда ўтган иккита улуг байрам хотирамда мангу муҳрланиб қолди. Бу «Алпомиш» достонининг 1000 йиллиги ҳамда Термиз шаҳрининг 2500 йиллигидир. Тантаналар муносабати билан жуда кўп маданий-маърифий, қурилиш ва ободончилик ишлари қилинди. Истиклол йилларида мамлакатимизнинг ҳамма ҳудудлари каби вилоятимиз ҳам улкан қурилиш майдонига айланди. Қатор коллеж, лицей, мактаблар қурилди. Термиз университетининг муҳташам биносини Президентимизнинг ўзи келиб очиши сурхондарёликлар учун унутилмас воқеа бўлди.

— **Баъзан ўйланиб қоламиз: Термизни Термиз қилган термизийларми? Ёки термизийларни термизий қилган Термизми? Сиз термизийларнинг издоши сифатида бу улуг тахаллуснинг масъулиятини қандай ҳис қиласиз?**

— Жуда яхши савол бердингиз. Шу баҳонада тахаллус хусусида батафсилроқ гап қилсак. Бу муаллифларнинг тахаллус ҳуқуқига бепасанд қаровчи ноширларнинг ҳам жиндақ эъти-

Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Сурхондарё вилоят бўлими масъул котиби, шоир Шафоат Раҳматулла Термизий билан сўхбат

мойиллиги, туғилган қишлоғи ёки яшаб турган шаҳри номи ва яна бошқа кўпгина сабаблар билан боғлиқ бўлади.

Кўпгина шоир ва ёзувчилар эл-юрт орасида тахаллуси билан машҳур. Тахаллус дастлаб Шарқда ғазалларнинг сўнги байтида қўлланган. Бу тузилган мажмуа, баъз, девон, умуман, кўлёмаларда асар муаллифини топишни осонлаштирган. Адабиётшуносликда катта аҳамиятга эга бўлган.

Энди Термиз ва Термизий тахаллусига келсак, Термиз биринчи термизлик Термизий тахаллусини олгунча ўн уч минг йиллик тарихни бошидан кечирган машҳур шаҳар бўлган. Ўша даврларда Термиз ва унинг ҳудудида яшаган зардуштийлардан ҳам, юнонийлардан ҳам, буддавий авлиёлардан ҳам биронтаси Термизга боғлаб тахаллус тутмаган. Деярли барча термизийлар илк Шарқ Уйғониш даври маданияти вакиллари дидир. Бу давр IX асрнинг бошидан XIII асрнинг биринчи чораги, яъни Чингиз босқинигача давом этган. Шарқ Уйғониш даврида илм-фан ва наср, тазкиранавислик жуда ривожланган. Термизийларнинг баъзиларидан икки-уч жилдлик, айримларидан бир рисола ёки узук-юлуқ беш-ўн саҳифа, тазкираларда қайд этилган бир-икки сатр шеър ёхуд бир-иккита ибратли жумла қолган. Демокчи-манки, иқтидор ва ижодий маҳсулот бўлмаса, вақт бозорида эгасининг заволига ҳеч қандай тахаллус тўсиқ бўла олмайди. Кейинги асрларда эса Термизий тахаллусилар йўқ ҳисоби. Хуллас, шаҳарлар унинг номини тахаллус қилиб олган ижодкорга ҳам, оддий фаррошга ҳам бошпана — ватан бўлган. Аммо шаҳарларга имом Термиздек фарзандларининг исми шарифи ва тахаллуси ҳам зеб бериб тури-

арафасида ул зотга муножот қилдим:

**Бу йўллар макруҳдир,
изга қайтаман,
Суннати ҳақиқат сўзга
қайтаман,
Аҳли мўмин сизга,
ўзга айтаман,
Мен сизга қайтаман,
ўзга қайтаман,
Ё имом Термизий,
сизга қайтаман.**

Муножотим ижобат бўлди. Биз кўп ўтмай улуг боболаримизга қайтдик. Сурхоннинг булбул хофизлари шеърни ашула қилиб юборишди. Мен бунда бир ҳикмат кўрдим ва шу тахаллусда ёза бошладим. Бунга ҳам 20 йил бўлди. Иккита рисолам, учта шеърӣ тўпламим ва битта сайланмам шу тахаллус билан чоп қилинди. Элим тахаллусимни табиий қабул қилди. Неча минг мисра ёздим, яна қанча ёзаман, худо умр берса ҳаммасига шу тахаллусда тартиб берилажак.

— **Бойсундан ташқари воҳадаги яна қайси асори-атиқалар жаҳон маданияти дурдонаси сифатида қайд этилган? Уларнинг тарихи ва бугунги ҳолати ҳақида тўхталсангиз.**

— Ўзбекистон бутун инсониятни комилликка кўтарган улкан маданият ва маънавият обидалари жамланган ватан. Сурхондарё шу ватаннинг ҳайрат водийси. Унинг ҳар бир қишлоғи оғзаки ижоднинг ва хунармандчиликнинг сарчашмаси, ҳар бахшиси бир театр. «Алпомиш» достонининг 1000 йиллигини бутун дунё билан байрам қилдик. Сурхондарёда ана шу достоннинг бош қахрамони Алпомишнинг шажарасини давом эттирган қуйидаги туркум достонлар бор: «Шайх Шохимардон» — Алпомишнинг бош бобоси, «Алпомиш» — Алпомишнинг ўзи —

нисси — Бойсарига шайх Шохимардон бобоси «Ёт юртда бир ўғил кўрасан, отини Қўнғирот кўясан, ўшандан кейин юртга қайтасан» деб каромат қилган ўғли. Юқоридаги олти шажара дostonни айтиб-ёздириб, қолганларини айтишга умри етмай армон билан Чорша бахши Раҳматулла ўғли ўтиб кетди. Мана шу дostonлар жамланиб нашр этилса, бу ҳам воҳанинг дурдонаси бўлади. Ўзбекистоннинг ягона чанқовуз композитори бўлган, дунёдан армон билан ўтиб кетган Жума Абрайкуловнинг репертуаридаги қуйлар тўлиқ қолган бўлса, дискларга ёзиб олиб омалаштириш — кўҳна воҳа маданиятининг мингдан бир дурдонаси бўлади.

— **Сурхонимизнинг ўзига хос шеваси, қиёфаси бор. Йигитларимизга нисбат беришса Алпомишга, қизларимизни таърифлашса Барчинойга ўхшатилади. Воҳа табиатида, одамларининг феълларида, ҳатто хунармандлар яратган оддий бир буюмда ҳам ўзига хослик, жўшқинлик, яна қалбим иллагану ўзим таърифлаёлмаётган нимадир бор. Ўша нимани биласизми?**

— Ўша нималигини биламан. У аждодларимиздан мерос Алпомишона ўзбеклик, руҳоний ўқтамлик, ватанга эғалик туйғуси. У — даштаримиздай бепоён, тоғларимиздай сервиқор бағрикенглик.

— **Ижодкор учун энг муҳим нарса ижодий муҳит ҳисобланади. Воҳа ижодий муҳити ҳақида сўзлаб берсангиз.**

— Эли яшаётган муҳит ижодкорнинг ҳам муҳити бўлган. Истеъдод ўзига ёзиш муҳитини энг қийин даврларда ҳам топган. Юрагида айтадиган гапи бўлса, бошини кундага қўйиб бўлса ҳам айтган. Истеъдод кўпича ёзиш-

юзга яқин назм ва насрда қўли келишиб қолган ёшлар баркамол ижодий йўлда.

— **Инсон умри шамолга қиёсланиши бежиз эмас. Буни барчамиз ҳам вақтида илгамаймиз, билсак ҳам тан олгимиз келмайди. Шамолни ортага қайтариб бўлмаганидек, умрни ҳам кейинга буриб бўлмайди. Умр дафтариңизни варақлаганда нимадан таскин топиб, нимани армон билан хотирлайсиз?**

— Таскин. Ёшлигимдан китобга қизиқдим, миллатим, улуг аждодларим, ватанимнинг тарихини ихлос билан ўргандим. Фитратнинг ватан ва миллат қайғусида чеккан нидоларига қўшилиб йиғладим. Ватан ва миллат қайғуси билан яшаш менинг ҳам қисматимга битилганини тушундим. Шу эзгу йўлда баҳоли кудрат қалам сурдим.

Энг буюк армоним мустақиллик эди, у ушалди. Бошқа армонлар унинг олдида армон эмас десам, рост гап бўлади. Иккинчи армоним — Президентимизнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» китобида таъкидланганидек, «Орамизда яшаётган икки қиёфали — риёкор, суратан фаришта, сийратан шайтон — нафсидан ва ўз манфаатидан бошқа ватани йўқ» кимсаларнинг борлиги. Ватан ва миллат манфаатига хиёнат қилаётган бундай манфурларнинг уруғини қурита олмадик. Бу одамни хавотирга солади. Яна бир армоним Сурхондарёда «шоир бўлма, бахши бўл» экан.

— **Газетхонларга айтмоқчи бўлган яна қандай гапларингиз бор?**

— Энг халқчил ва оммавий нашр ҳисобланган «Ishonch» газетаси ўқувчиларининг оиласига бахт-саодат, фарзандларига баркамоллик тилайман. Уларнинг ҳар бир ўтаётган куни байрам бўлсин.

**Рустам ДАВЛАТ,
«Ishonch» муҳбири**

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ КЕНГАШИ

Бунёдкор халқимиз ва тармоқ ходимларини
қадриятларимизни улутловчи ва кенг тараннум
этувчи Наврӯзи олам билан

самимий қутлайди.

Муқаддас юртимиз шухрати
янада зиёда бўлсин!

БУХОРО ВИЛОЯТ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ КЕНГАШИ

Ўзбекистон халқини,
куч-қайратини эл
саломатлигини
сақлашга бағишлаган
тиббиёт ходимларини
Наврӯзи олам билан
муборакбод этади.
Ҳар бир хонадонга
файзу барака, бахту
саодат, тинчлик-
хотиржамлик тилайди.
Наврӯз барчамизга
бахт, қувонч ва омад
олиб келсин.
Юртимиз тинч,
халқимиз омон бўлсин!

Кенгаш ўз сафларига 43 минг 883 нафар аъзони бирлаштирган. Тармоқ ходимлари қонунда белгиланган 36 соатлик иш ҳафтаси, уч кундан кам бўлмаган қўшимча таътил, тўй ва бошқа маросимлар учун 7 кундан 10 кунгача навбатдан ташқари таътил, ёш боласи бор аёлларга 1 соат қисқартирилган иш куни, икки ва ундан ортиқ ёш боласи ёки 16 ёшгача ногирон боласи бор аёлларга 3 кунлик қўшимча таътил ва уларнинг хоҳишига кўра, йилнинг истаган пайтида 14 кунгача иш ҳақи сақланмаган таътил берилиши жорий этилган. Урта ва кичик тиббиёт ходими бўлган пенсионер аёллар тўлиқ пенсия ва иш ҳақини олиши таъминланган.

Шунингдек, тармоқ ходимларига Сихат-саломатлик йилида 8,1 млн., Ҳомийлар ва шифокорлар йилида 9,9 млн., Ижтимоий ҳимоя йилида 18,2 млн., Ёшлар йилида 27,8 млн., Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида 33,8 млн. сўмлик манзилли моддий ёрдам кўрсатилди. Тармоқда ишлаётган раҳбар ходимларнинг меҳнатни муҳофаза қилиш борасидаги масъулияти оширилгани боис 43 та тиббиёт муассасасида ишловчи 25 минг 253 нафар касаба уюшмаси аъзосининг иш шaroити яхшиланди. Утган йилда кам таъминланган ходимларнинг 4940 нафар фарзандини ёзги оромгоҳларда соғломлаштириш учун 69 млн. 813 минг сўм, 827 ходимнинг санаторий ва дам олиш уйларида соғлигини тиклаши учун йўланмаларга 185 млн. 856 минг сўм сарфланди. Бошланғич ташкилотлар фаолиятини такомиллаштириш, уларга амалий-услубий ёрдам кўрсатиш мақсадида етакчи ва фаоллар ўқувлари ташкил этилди. ҚВП мудирлари, менежерлари ҳамда 750 нафар ходим меҳнат қонунчилиги асослари бўйича ўқитилди, 28 та тиббиёт муассасасида меҳнатни муҳофаза қилиш бурчаги ташкил этилди.

— Баркамол авлод йили фаолиятимиз учун муҳим давр ҳисобланади, — дейди вилоят соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси кенгаши раиси Шавкат Султонов. — Барча бўғин касаба уюшмаларида ҳисобот-сайловлар кўтаринки кайфиятда ўтмоқда. Айниқса, Олот тумани тиббиёт бирлашмасидаги йиғилиш касаба уюшмаси аъзоларининг афзаллиги ва етакчининг маҳоратини яна бир бора исботлади. Ажойиб ташкилотчи ва моҳир шифокор Уктам Вафоев тиббиёт бирлашмаси касаба уюшма кўмитаси раислигига қайта сайланди. Шу куни туман тиббиёт бирлашмасига янги ишга қабул қилинган 10 нафар ходимга касаба уюшмасининг аъзолик билетлари топширилди ҳамда аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишда фаол қатнашган тиббиёт ходимлари касаба уюшмасининг фахрий ёрлиқ ҳамда эсдалик совгалари билан тақдирланди.



«ШҮРТАННЕФТГАЗ» УНИТАР ШҮЪБА КОРХОНАСИ МАЪМУРИЯТИ ВА КАСАБА УЮШМА ҚЎМИТАСИ ЮРТДОШЛАРИМИЗНИ НАВРҮЗ АЙЁМИ БИЛАН САМИМИЙ МУБОРАКБОД ЭТАДИ



Мамлакатимиз иқтисодий қудратини оширишга муносиб ҳисса қўшаётган тармоқ ходимларининг келгуси ишларида муваффақиятлар, юксак бахт-саодат тилайди. Ҳар бир кишининг қалбини умидбахш эзгу-орзулар тарк этмасин.

Баркамол авлод йилининг баҳори янада баракали келиб, хонадонларимиздан файзу-барака аримасин!

Корхона касаба уюшма қўмитаси соҳа ходимларининг манфаатдорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратаётган. Ташкилотчи ва ташаббускор мутахассис Акбар Маматқулов раислик қилаётган касаба уюшмасининг бутун фаолияти «қора олтин» ва «зангори олов» ижодкорларининг жўшқин ҳаёти билан чамбарчас боғланган.

Касабақўм уч минг кишилик йирик корхонада меҳнатга ҳақ тўлаш ва меҳнат муҳофазаси, ижтимоий имтиёз ва кафолатлар, ходимлар ва уларнинг оила аъзоларининг дам олишини ташкил этиш, соғломлаштириш, улар ўртасида маданий-маиший, тарбиявий ва спорт тадбирларини уюштириш билан мунтазам шуғулланади.


Ўтган йил жамoa аъзоларини ижтимоий муҳофазалашга 5 млрд. 138 минг сўм, техника хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазасига 2 млрд. 50 минг сўм сарфланди.

Касаба уюшма аъзоларидан 62 нафари санаторийларга юборилди. Корхона тасарруфидаги «Шўртан қалдирғочлари» оромгоҳида тўрт босқичда 1485 бола ёзги таътилни мазмунли ва мароқли ўтказди. Баркамол авлод йилида болалар оромгоҳида дам олувчилар сонини 1600 нафарга етади.

Ходимлар иш шароитига қараб бепул сут ва сут маҳсулотлари, витаминли озиқ-овқатлар, махсус кийим-кечак ва шахсий ҳимоя воситалари билан таъминланган.

Барча бўлим ва цехларда саноат гигиенаси талабларига мувофиқ хавфсиз шароит яратилган.

Ташкилотнинг нуфузи қуйи бўғинларнинг қандай ишлашига боғлиқ. Углеводород, газ конденсатини тозалаш ва қуришиш цехидан Б.Юсупов, Шўртан конидан Ю.Салаев, Тошли конидан А.Ҳасанов, электр цехидан С.Жалилов, темирйўл тармоғидан Д.Бекмуродов каби касаба уюшма етакчилари ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳимояси билан доимий шўғулланиб келишаркан.



ШОФИРКОН ТУМАНИДАГИ «АЗИМ ШОФИРКОН ЮЛДУЗИ» ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИ РАЎБАРИЯТИ ВА КАСАБА УЮШМА ҚУМИТАСИ

*Улкан бунёдкорлик ва фаровонлик сари
дадил интилаётган мамлакатимиз
аҳолисини, шу жумладан, қишлоқ хўжалик
соҳаси ходимларини муборак айём —*

НАВРЎЗИ ОЛАМ БИЛАН

*чин дилдан самимий қутлайди.
Наврўз бошлаган улуг ишларимизга
мадад бериб, ҳосилимизга барака,
халқимизга мустаҳкам соғлиқ,
дастурхонимизга тўкин-сочинлик ато этсин!*



Ўзбекистон қаҳрамони, Олий Мажлис Сенатининг аъзоси Азим Латипов раҳбарлик қилаётган «Азим Шофиркон юлдузи» фермер хўжалиги туман марказидан ўнлаб чақирим олисда — Қизилқум даштларига тутшиб кетган Султонобод массивида жойлашган. Ягона мақсад сари интилаётган аҳил ва иноқ жамоа чўл қийинчиликларини мардондор энгиб, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришда ҳар йили юқори натижаларга эришмоқда. Экин ерларининг асосий қисми қум-шағалли майдонлардан иборат. 80 кишилик жамоа 300 гектар майдонда ғалла, 131 гектар майдонда пахта етиштирилади. Шунингдек, полиз, сабзавот экинлари ва мевали боғлар ҳосилдорлиги ҳам йил сайин ошиб борапти. Бултур чўл шароитида пахта ҳосилдорлиги 27,4 центнерни ташкил этган бўлса, ғалланинг ҳар гектаридан 73 центнердан дон етиштирилди. Хўжаликнинг ялпи даромади 700 миллион сўмдан ошди.

— 2010 йилги режаларимиз янада улуг, — дейди А.Латипов. — Маҳсулот ишлаб чиқариш тури ва ҳажмини кўпайтириш баробарида аъзоларимизнинг ижтимоий ҳимоясига, уларнинг меҳнат шароитини янада яхшилаш, саломатликларини мустаҳкамлаш, манфаатдорликларини ошириш ва эҳтиёжманд оилаларни қўллаб-қувватлаш, ҳудудимизни обод қилишга алоҳида эътибор қаратаёلمиз. Токи, инсонларга кўпроқ нафимиз тегсин.



МУАССИС:
Ўзбекистон касаба
уюшмалари
Федерацияси

Бош муҳаррир
Абдухолик
АБДУРАЗЗОҚОВ

Таҳрир хайъати:

Алла Долженкова,
Анвар Юнусов,
Довуд Мадиев
(Бош муҳаррир ўринбосари),
Жаҳонгир Шарофбоев
(масъул котиб),
Маъмура Адилова,
Мирзохид Содиқов,
Нормамат Аллаёров,
Носирхон Акбаров,
Ойсулув Нафасова,
Пиримкул Қодиров,
Соғиндиқ Ниетуллаев,
Шамси Эсонбоев

Бизга кўнгирак қилинг:

Котибият: 256-52-78
Хатлар бўлими: 256-85-43

Ўзбекистон Мағбуот ва ахборот
агентлигида 0116-рақам билан
рўйхатга олинган.
ИВМ компьютерида терилди ва
саҳифаланди. Офсет усулида босилди.
Бичими А-3.
Ҳажми 4 босма табоқ.

Манзилимиз:

100165, Тошкент шаҳри,
«Бухоро» кўчаси, 24-уй.
Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Газета ҳафтанинг
сешанба, пайшанба
ва шанба кунлари чиқади.

Сотувда эркин нархда

Муаллифлар фикри
таҳририят нуқтаи назаридан
фарқланиши мумкин.
Нашримиздан кўчириб
босилганда «Ishonch»дан
олинганлиги кўрсатилиши шарт.
Тижорат аҳамиятига молик
материаллар (h) белгиси
остида чоп этилади.

E-mail: mail@ishonch.uz

«Шарқ» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
босмахонасида
чоп этилди. Корхона
манзили: «Буюк Турон»
кўчаси, 41-уй.

Навбатчи котиб:

Ж.Шарофбоев

Навбатчи:

Н.Махамов

Мусахҳих:

С.Шодиева

**Саҳифаловчи-
дизайнер:**
Ҳ.Абдужалилов

Босишга топшириш
вакти - 21.00
Топширилди - 13.00

Буюртма Г-252

Тиражи: 20706

ISSN 2010-5002

1 2 3 5

Изхор

Кўнгишдан кўкараар кўклам курташи

Кўклам асли нимадан бошланади? Кўёшнинг тобора шимолга оғишданми ё бойчечакданми? Ёхуд қурбақанинг қуриллашиданми ё бўлмаса қалдирғоч ташрифиданми?

Эҳтимол, бу соғинтирувчи фаслнинг дебочаси узоқ тоғ чўққиларидаги муздан узилган илк томчидандир ё моқаймоқнинг заррин ранглариданми?

Балки шошқалоқ бодом гулларидандир?

Ё бўлмаса, унинг илк элчилари ўйинқароқ болакайлар учирган варраклармикан?

Ассалом, кўклам! Сен қайдан ва нимадан бошланма, нафасингни энг аввал кўнгил сезади, энтикади ва сенга пешвоз чиқади. Сен яйдоқ еру ялонғоч шохларни яна яшил либосларга буркаганингдек, кўнгиллар ҳам янги туйғулар билан тўлади. Ҳолбуки, бу туйғулар ёш танламайди. Сенга барча бирдек ошиқ бўлади. Жамийки кўнгилларда тугилган муҳаббат фақат сенга аталган, сенгагина хосдир. Сен қайдан биласан, ўрик гулига ошфта онахон қалбига ҳам ўн

саккиз ёшли баҳори қайтгандир, отахоннинг хотирасида эса қир-адирда насиминг алвон дуррасини ҳилпиратган машуқаси чопқиллаётгандир. Сен шундай сеҳрлисанки, ҳар қалбни ишғол қиласан, ҳар кўнгилда галаён уйғотасан.

Нега инсон ўз умрини баҳор билан ўлчади? Нечун ҳаётининг фалон кузи демайди?

Айт-чи, баҳор, ё сен билан бошланганми яшаш ибтидоси? Ё сен билан безаклими умр ўлчови?

Саксонинчи баҳорини қаршилаётган онахон ва ўн саккиз ёшли ойпарни қизининг сенга қадалган нигоҳларида нечук бир маъно? Эй яшартирувчи фасл, нечун сенга тўймайди инсон? Ҳар ташрифнинг бетакрорми ё? Ахир юз йил бурун очилган лоланг бугун ҳамон ўша-ўша: алвон рангда-ку. Юғурик жилғаларинг-да, юлдуздек сочилган чучмомоларинг, бир кечада чаман бўлғуси олчазорларинг — бари ҳамон ўша-ўша — сенинг азалий манзараларинг-ку?! Ё ҳар баҳор умр баҳори, кўнгил баҳорими?

Ассалом, баҳор! Сен ризқ-рўз дастурхонини ёзғувчидир-

сан. Само қарнайчиси — моқалдиқларинг гулдуросида, беқарор булутларинг сайрида, ҳар ёзилган япроғу гуллаган шохларинг-да — сенинг ҳар кўринишинг-да ноз-неъмат, хирмон-хирмон ҳосил мақсади мужассам, ҳатто кўримсиз янтоқнинг кўкаришида ҳам чорванинг ризқи бор. Чорвада эса инсон насибаси.

Нега инсон сен билан ота-онасини соғингандек, ёрини кутгандек дийдорлашади?

Сен келганда нечун ҳар билакда ўзгача қувват, ҳар юракда янги орзу-мақсад пайдо бўлади?

Сирли сумалак теграсида вожиб бўлғуси меҳр-оқибат юксаклигининг яна бирор қиёси бормикан? Саховат қадриятлари қўшиб тугилган кўксомсаларинг-чи?

Коинотнинг бузилмас қонуниятини асосида қарор топган Наврўзингдан айланай сенинг! Кун ва тун баробарлиги, табиат уйғониши, ёруғлик — буларнинг барида буюк бир уйғунлик борки, минг-минг йиллар муқаддам белгиланган бу сана ҳозирги замон мунажжимлари учун ҳам қадим Шарқ донишман-

дигининг улғу бир намуна-сидир.

Ассалом, Наврўз!

Сенинг бу галги ташрифингга ҳам соғинчдан пояндошлар тўшадик. Кўнгиллар беғуборлигини хонадонларимиз, кўчаларимиз, маҳалларимиз, шаҳару қишлоқларимизга ҳам кўчирдик. Томирлари аллақачон замин билан тиллашаётган минг-минглаб ниҳолларимизга ўзинг она бўл, Наврўз!

Мана қатор-қатор далалар: кафтдек текис, паҳлавондек бақувват. Унинг ўртасида кўлини чаккасига қуйган инсон эса Бободехқон. Биласан, сени энг орзиқиб кутган бани башар вакили ўша.

Сенинг бу галги ташрифинг Ўзбекистон учун Баркамол авлод баҳори ҳамдир. Баҳор ва ёшлик. Иккисида ҳам бир мақсад мужассам: кўклам табиатга комиллик бахш этса, ёшлик инсон келажаги остонасидир, умр баҳоридир.

Хуш келдинг, Баркамол авлод йилининг баҳори!

Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ,
Сирдарё вилояти

Маслаҳат

Ҳам қулай, ҳам шифобахш

Хадемай, илиқузилдига етиб қоламиз. Бу пайтда кўпчиликка хос бўлган хусусият камқонликнинг авжга чиқишидир. Қолаверса, дармондориларнинг етишмаслиги ҳам соғлигимизга хавф солиши мумкин. Шунини инобатга олиб, ўзингиз ва оила аъзоларингиз саломатлиги учун муҳим деб билган тавсияларимизни эътиборингизга хавола этмоқчимиз.

Авалло, камқонлик қаердан келиб чиқади деган саволга жавоб топсак. Бунинг энг асосий сабаби иқтисодий қийинчилик туйғали яхши овқатланмаслик деб тушуниш нотўғри. Масалан, новвот, шоколад, торт, кекс, кофе, какао, қовурилган гўшт, тухум, кабоб, қазӣ ва оппоқ ундан тайёрланган нон истеъмол қилиб юрадиган одам ҳам камқон бўлиши мумкин. Аксинча, қайнатма овқатлар, дуккаклилар, буғда, сувда пишган гўшт, тухум, нон, мева-сабзавотлар, шакар истеъмол қилган кишининг бу борада муаммоси бўлмайди. Камҳаракатлик, пиёда кам юриш, бир жойда кўп ўтириш, ётиш бу касалликни келтириб чиқарадиган омиллардандир.

Мазкур касалликка қарши бир қанча даво усуллари ўйлаб топилган. Куйидаги даво чоралари эса табобатда энг кўп синалган, ҳар қандай зарардан холи эканлиги билан ажралиб туради. Уларни тайёрлаш билан нафақат даволангиз, балки яқинларингиз оғзига ёқадиган ширин таомлар учун раҳмат ҳам эшитасиз. Қолаверса, керак бўладиган маҳсулотлар алоҳида харажат талаб этмайди, уларни ҳар бир хонадон ошхонасида топиш мумкин.

* 200 грамм қизил лавлагини майда тўғраб, унга 200 грамм туршакни ювиб қўшамиз. Таъбга кўра шакар қўшиб, 3 л. сувда қайнатамиз. Қайнатма 2 л. қолганда оловни ўчираамиз. Бу компотдан кунига 2-3 пиёладан ичилади.

Қизиги шуки, 2-3 пиёла ичиш билан ижобий ўзгариш юз бераётганини ҳис қиласиз.

* Буғда пишган пиёзни қийма ва суви қочган нон билан аралаштириб, кунига 1-2 бор истеъмол қилиш керак.

* Чой ўрнида наъматак дамлаб ичиш, шунингдек, жийда пўстлоғи, тут қоқидан фойдаланиш ҳам самара беради.

* Сабзи шиннисини суви қочган нон билан истеъмол қилиш ҳам жуда фойдали.

Мазкур муолажаларни албатта қўллаб кўрасиз деган умиддамиз. Зеро, сиз нафақат оқила ва эгчил уй бекаси, оила аъзоларингиз саломатлиги учун қўриқчи этиб ҳам сайлангансиз. Зиммангиздаги бу азалий ва шарафли вазифани адо этишдан ҳеч қачон толманг.

Гулмира ҚУРОЛОВА

Газетанинг навбатдаги сони 30 март, сешанба кунини чиқади.

Юртимизда Наврўз шукуҳи кеза бошлагандан буён бутун борлиқда ҳам янгилашиш, яшаришлар кўзга ташланиб қолди. Майсаларнинг, довдарахларнинг уйғонишига монанд одамлар дилида ҳам қандайдир бир ажиб кўтаринчилиқни пайқаш мумкин. Бу иштиёқ эса уларни табиат кўнига — халқ сайиллари, турли спорт мусобақаларига чорламоқда. Яқинда Паркент туманида бўлиб ўтган ана шундай халқ сайиллари одамлар дилига олам-олам қувонч бахш этди деб бемалол айтиш мумкин. Бир томонда фольклор гуруҳларнинг чиқишлари, яна бир томонда турли спорт мусобақалари, хўроз уриштиришлари дарбоз ўйинлари паркентликлар ва меҳмонлар ёдида узоқ вақт қоладиган бўлди. Айниқса, кураш мусобақалари қизигандан қизиди. Беллашувларда нафақат паркентлик, балки бошқа туманлардан келган полвонлар ҳам муносиб иштирок этишди.



Абубакир Сингапурга боради

Яқинда Мексиканинг Тихуана шаҳрида 21-Умумжаҳон Таэквондо WTF Федерациясининг Ассамблеяси йиғилиши бўлиб ўтди. Мазкур нуфузли тадбирда Таэквондо WTFнинг Пумсе йўналиши бўйича жорий йилги жаҳон чемпионати ўтказиладиган мамлакат номи ҳам аниқлаб олинди. Унда бир нечта номзод давлатлар орасидан иккита давлат — Ўзбекистон ва Вьетнам номзодларига тўхталиб овозга қўйилди. Федерация аъзоларининг яширин овозлари натижасига кўра, 29 давлат федерациялари вакилларининг 21 нафари (Ўзбекистон билан 22 та давлат) Ўзбекистон номзодини қўллагани маълум бўлди.

— Апрель ойида Халқаро Таэквондо WTF раҳбарияти юртимизга келиб, яратилган шароитлар билан танишадилар, — дейди Ўзбекистон Таэквондо WTF ассоциацияси директори Бахтиёр Ҳакимов.

Таэквондо WTF

— Шундан сўнг жаҳон чемпионати ўтказиладиган сана белгиланади. Ҳозирча октябр ойининг биринчи ўн кунлигида ташкил этиш режалаштирилган. Шунингдек, ассамблея тадбирлари доирасида Тихуана шаҳрида дунёнинг 100 дан ортиқ мамлакатидан келган таэквондочилар Сингапурда Халқаро Олимпия кўмитаси

ташаббуси билан биринчи марта ташкил этилаётган ўсмирлар Олимпиадасига саралаш турнири ҳам уюштирилди. Унда спортчилар 36 та йўлланма учун кураш олиб боришди. Улардан бирини ўзбекистонлик Абубакир Расулов кўлга киритди. Энди у августда Сингапурда мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилади.

Айни пайтда терма жамоа мураббийлари Осиё ўйинларида муносиб қатнашиш учун тайёргарлик кўришяпти. Бунинг учун, албатта, мутахассислар иштирокида махсус режа ишлаб чиқилиб, шу асосда кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Нарзулла МАҲАМОВ,
«Ishonch» мухбири